

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ ЖАХОНГИР АБДУРАХМОНОВИЧ

**АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРИШДА ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Жабборова Жамшида Наимовна
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3-9
I-БОБ.	АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	10-31
1.1.	Аҳоли турмуш фаровонлиги тўғрисидаги назарияларнинг умумий тавсифи.....	10-22
1.2.	Аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат ҳамда фуқаролик институтларининг ўрни.....	22-30
	Биринчи боб бўйича хулосолар.....	30-31
II -БОБ.	РЕСПУБЛИКАДА АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАРАЖАСИ.....	32-58
2.1.	Аҳоли даромадлари шаклланиши ва унинг манбалари.....	32-38
2.2.	Аҳоли реал даромадлари ва турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	38-48
2.3.	Аҳоли истеъмолининг ўсиши ва таркибан янгиланиши ҳолати	48-57
	Иккинчи боб бўйича хулосолар.....	57-58
III -БОБ.	АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ.....	59-96
3.1.	Давлат томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш ва имкониятлари кенгайтирилиши.....	59-69
3.2.	Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш.....	69-79
3.3.	Аҳоли пул даромадларини оширишни прогнозлаш ва давлат томонидан истиқболли йўналишларни аниқлашни такомиллаштириш.....	79-95
	Учинчи боб бўйича хулосолар.....	95-96
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	97-100
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	101-107

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг илк кунларидан бошланган, йигирма бир йилдан ортиқ вақт давомида изчил амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислохотлар, саъй-ҳаракатлари замирида улут мақсад ётибди. Бу ҳам бўлса халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдир.

Президент И.Каримов ишлаб чиққан машҳур беш тамойилга таянилган ҳолда изчил иқтисодий ислохотлар амалга оширилди, бунинг натижасида либерал иқтисодий тизимга асос солинди. Юзага келган бозор механизмлари иқтисодий ўсишни таъминлади, бу билан халқ фаровонлиги ошиб боришига хизмат қилувчи ишончли иқтисодий база яратилди. Ўзбекистонда вужудга келган бозор иқтисодиёти биринчидан, давлат томонидан тартибланиб турадиган, иккинчидан, аниқ ижтимоий йўналишга эга иқтисодиётдир.

2013 йилнинг 18 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси “2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг иккинчи бандида 2013 йилги иқтисодий дастурнинг олтита энг муҳим йўналиши ва устувор вазифаси белгиланди. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширилишини таъминлаш ана шундай йўналиш ва вазифалардан бири экани таъкидланди.

И.А.Каримов таъкидлашича, “...Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади - халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборатдир”¹. Ўзбекистон борадиган буюк келажак ватанимизнинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ва улар даражасидаги турмуш фаровонлигига эришишидир.

Президент И.Каримов ишлаб чиққан Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий тараққиётига оид концепцияда иқтисодиёт ижтимоийлигини оширишга яна бир бор урғу берилди. Унда қайд этилишича, вазифа “...истеъмол талабини

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва ислохотларимизнинг пировард мақсади. -Т.: Ўзбекистон 2007, 57-бет.

кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”². Концепцияда ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқишда нафақат давлат, балки нодавлат ва нотижорат ташкилотларини ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланади.

Ўзбекистан аҳоли иқтисодий фаровонлигини оширишда эътиборли ютуқларга эришди. Аҳолининг жон бошига ҳисобланган реал даромадлари муттасил ошиб борди, унинг истеъмоли таркибан янгиланди, аҳоли ҳаёт кечиришнинг қулай шароитларига эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистонда фаровонликни умумлашган кўрсаткичи ҳисобланган “Инсон камолоти индекси” ва мамлакатнинг ижтимоий рейтинги ошиб боришини хорижлик мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотлар эътироф этишмоқда.

Аммо фаровонликни оширишда эришилган ютуқлар билан бирга уларнинг ҳал этилишида ечимини топиш зарур бўлган муаммолар ҳам бор. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ижтимоийлик даражасини илмий жиҳатдан баҳолаш, халқ фаровонлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, унга хос тенденцияларни аниқлаш, фаровонликни оширишнинг истиқболли йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш зарурати мавжуд. Шулардан келиб чиққан ҳолда мазкур диссертация мавзуси танлаб олинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат иқтисодий сиёсатининг вазифалари бўйича ва уни таҳлил этишга кўпгина олимлар, мутахассислар ва халқаро ташкилотлар диққатини қаратди.

Мазкур муаммонинг даромадлар ва истеъмол нуқтаи-назаридан А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Сэй, А.Маршалл, Дж.М.Кейнс, Ф.Хайек, Т.Мальтус, Г.Сиджвик, К.Виксель, Л.Вальрас кабилар тадқиқ этишди. Уни махсус

² И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон 2010, 53-бет.

ўрганган Фарб олимлари сирасига Д.Кларк, А.Пигу, В.Парето, Ф.Джинни, Г.Стиглиц, Э.Лоуренц, К.Энгелларни киритиш мумкин. Уларнинг асарларида реал даромадлар моҳияти, уларни ўсиш омиллари, даромадлардаги тенгсизлик, аҳоли истеъмоли, унинг таркиби каби масалалар кўриб чиқилди. Мазкур олимлар турмуш даражасини таҳлил этишнинг методологик тамойилларини ишлаб чиқишди. Ҳозирги замон “Экономикс”лари муаллифлари П.Самуэльсон, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Д.Фишер, Д.Менкью каби олимлар томонидан аҳоли даромадларининг шакллари, уларнинг нисбати, даромадлардаги тенгсизлик масалалари ёритилади.

Жаҳон банкининг ЯИМ, аҳоли даромади, хусусий ва давлат истеъмолига оид қимматли маълумотлар келтирилади. Унинг инсон камолотига оид ҳисоботларида фаровонликни тавсифловчи асосий маълумотлар, даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик кўрсаткичлари келтирилади.

Россия шароитига тадбиқан аҳоли даромадалари ва турмуш фаровонлигини В.Майер, Н.Римошевская, Н.Бузляков, Н.Волгин, Р.Одегов, В.Жеребин, А.Романов, В.Медведев ва бошқа олимлар ўрганишган. Ўзбекистон олимлари қаламига мансуб ишларда, аҳоли даромадлари, уларнинг турлари умумий тарзда кўриб чиқилган. Энг сўнгги дарсликларда, халқаро ташкилотлар қатори ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик фарқлантирилади, бозор иқтисодиёти ижтимоийлигини таъминлашда бозор ва давлат механизмларининг ўрни асосланади³.

А.Ваҳобовнинг докторлик диссертациясида⁴ ижтимоий фондларнинг моҳияти, таркибий тузилиши, шаклланиши ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги роли чуқур таҳлил этилган. Р.Ҳасановнинг докторлик диссертациясида⁵ аҳоли даромадларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, шаклланиш механизмлари, бозор ва нобозор даромадларининг фарқланиши,

³ А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 2006.

⁴ А.В.Ваҳобов. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. 08.00.01 - “Иқтисодий назария” ихтисослиги. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.:2001.

⁵ Р.Р.Ҳасанов. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. 08.00.01 - “Иқтисодий назария” ихтисослиги. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2005

улар нисбатининг ўзгариши, уларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири ҳамда камбағаллик муаммолари таҳлил этилган. У.С.Юлдашевнинг номзодлик диссертациясида⁶ даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмлари таҳлил этилган. С.Л. Алибековнинг номзодлик диссертацияси⁷ Ўзбекистон аҳолиси пул даромадларининг турлари, аҳоли истеъмол харажатларининг таркиби умумий тарзда ўрганилган. С.Ахмедовнинг номзодлик диссертациясида⁸ ҳам Ўзбекистон аҳолиси пул даромадларининг турлари, мулкӣ фарқлари, таркибий тузилиши ва уни ошириш йўллари кўриб чиқилган. Р.Ф.Джуманова диссертациясида⁹ аҳоли турмуш даражаси категория сифатида, унинг моделлари ва кўрсаткичлари, даромадлардаги тенгсизлик умумназарий жиҳатдан баҳоланган.

Юқорида қайд этилган диссертацияларда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг вазифалари масаласи қисман ёритилган бўлиб, уларда аҳоли реал даромадларни таҳлил этишга уринишлар бўлмаган, аҳоли турмуш фаровонлигининг аниқ омиллари ва келажакдаги ўсиш имкониятларини оширишга қаратилган давлат томонидан олиб борилиши зарур бўлган чора тадбирлар масаласи кўриб чиқилмаган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат иқтисодий сиёсатининг вазифаларини тадқиқ этишдан иборат.

Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди ва бажарилди:

⁶ У.С.Юлдашева. Иқтисодиётнинг трансформацияланиши жараёнида аҳоли даромадларининг шаклланиши ва тақсимланиши. 08.00.01 - "Иқтисодий назария" ихтисослиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2001.

⁷ С.Л.Алибекова. Формирование и факторы роста уровня жизни населения Узбекистана. Специальность 08.00.01 – «Экономическая теория» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Т.: 2003.

⁸ С.Ахмедов. Доходы и расходы населения Республики Узбекистан в условиях переходной экономики. Специальность 08.00.01 – «Экономическая теория» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Т.: 2002.

⁹ Р.Ф.Джуманова. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари. 08.00.01 - "Иқтисодий назария". Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2008.

- Аҳоли турмуш фаровонлиги тўғрисидаги назарияларнинг умумий тавсифини очиб бериш;
- Аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат ҳамда фуқаролик институтларининг ўрнини кўрсатиб бериш;
- Аҳоли даромадлари шаклланиши ва унинг манбаларини аниқлаш;
- Аҳоли реал даромадлари ва турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллар тахлилини ўрганиш;
- Аҳоли истеъмолининг ўсиши ва таркибан янгиланиши ҳолатини очиб бериш;
- Давлат томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш ва имкониятлари кенгайтирилиши ҳолатини аниқлаш;
- Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш йўналишларини кўрсатиб бериш;
- Аҳоли пул даромадларини оширишни прогнозлаш ва давлат томонидан истиқболли йўналишларни аниқлашни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертациядаги янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- Аҳоли турмуш фаровонлиги тўғрисидаги назарияларнинг умумий тавсифи очиб берилди;
- Аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат ҳамда фуқаролик институтларининг ўрни кўрсатиб берилди;
- Аҳоли даромадлари шаклланиши ва унинг манбаларини аниқланди;
- Аҳоли реал даромадлари ва турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллар тахлилини ўрганилди;
- Аҳоли истеъмолининг ўсиши ва таркибан янгиланиши ҳолатини очиб берилди;
- Давлат томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш ва имкониятлари кенгайтирилиш ҳолати аниқланди;
- Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилди;

- Аҳоли пул даромадларини оширишни прогнозлаш ва давлат томонидан истиқболли йўналишларни аниқлашни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.
- иқтисодий фаровонликни прогнозлаш, иқтисодий ўсиш суръатлари, миллий жамғаришни тежалиши ва истеъмол фондининг ЯИМдаги хиссасини ўсиши, индивидуал истеъмолни устувор бўлиши кабилардан келиб чиқилиши, бажарилган прогноз асосида яқин 10 йилда истеъмол фонди, реал даромадлар, иқтисодиётнинг ижтимоийлик даражаси қандай ўзгариши асосланди;
- иқтисодий фаровонликни оширишга қаратилган ва макроиқтисодий даражадаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Ишнинг тадқиқот методологияси ва таҳлил усуллари. Илмий изланиш жараёнида тадқиқот объектини комплекс таҳлил этиш, фаровонликни кичик тизим сифатида баҳолаш, унга таъсир этувчи омилларни биргаликда ўрганиш, миқдорий ва сифатли таҳлилни яхлитликда қўллаш каби методологик талаблардан келиб чиқилди. Таҳлилда таққосий нархларга асосланган реал кўрсаткичларни қўллаш, қиёслаш ва динамик кўрсаткичларга таяниш, корреляцион алоқаларни аниқлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Диссертациянинг предмети бўлиб, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг вазибалари билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Диссертациянинг объекти. Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатидир.

Диссертациянинг ахборот базаси. Диссертациянинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ижтимоий тараққиётга қаратилган Қонун ҳужжатлари, Президент И.Каримовнинг иқтисодиётнинг ижтимоийлигини таъминлаш, фаол ижтимоий сиёсатга оид ғоялари ҳамда мамлакатимиз ва хорижлик етакчи иқтисодчи-олимларнинг аҳоли турмуш

фаровонлиги, даромад ва истеъмолга, фаровонликдаги тенгсизликка оид илмий асарларидаги ғоялар ташкил этади.

Илмий изланишнинг меъёрий асосини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли вазирликларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва кўрсатмалари, миқдорий таҳлилда халқаро ташкилотларнинг статистик маълумотлари, Ўзбекистон молия вазирлиги, статистика қўмитасининг ахборотлари, илмий ташкилотларнинг ишламалари ва матбуотда эълон қилинган маълумотлар ташкил қилади. Қатор ҳисоб-китоб амалларини муаллиф мустақил бажарди.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти. Ишда асосланган назарий ғоялардан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат иқтисодий сиёсатининг мақсад ва вазифаларига бағишланган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. Статистик маълумотлар асосидаги муаллиф ишланмалари, прогноз кўрсаткичлари ва таклифлари ижтимоий тараққиёт дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Диссертацияда асосланган фикр-мулоҳазалар, ундаги амалий маълумотлардан иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишда, шу фан юзасидан магистратура учун махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг такрибий тузилиши. Тадқиқот иши кириш, 3-боб 8 та праграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ҳамда иловалардан иборат.

I-БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аҳоли турмуш фаровонлиги тўғрисидаги назарияларнинг умумий тавсифи

Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланган даврдан бошлаб ҳозирга қадар аҳоли турмуш фаровонлиги у ёки бу даражада ўрганилди. Иқтисодий бойлик фаровонлик манбаи сифатида баҳоланган. А.Смит ёзишича, “Бутун мамлакатдаги ер ва меҳнатнинг йиллик маҳсулоти ҳақиқатан ҳам унинг аҳолисининг бойлиги ва даромадидир”¹⁰.

А.Смит бойлик фаровонликни ошириши учун аҳолининг сони бунга мутаносиб бўлишини қайд этди: “Ҳар қандай мамлакат аҳолисининг сони унинг фаровонлиги ва маданиятига пропорционал бўлиши лозим”¹¹. Унинг фикрига кўра, миллий даромад қанчалик кўп бўлса, кишилар шунчалик яхши яшайди.

А.Смит даромадни иш ҳақи, фойда ва рентага ажратди, фаровонликни фақат эркин иқтисодиёт таъминлай олишидан келиб чиқди. Унинг қарашига кўра бозор механизми фаровонликка қандай таъсир этишини талаб ва таклиф муносабатлари ҳамда рақобат орқали билиш мумкин.

А.Смит фаровонликни даромадга боғлар экан бунда уч хил вазият бўлишини айтиб ўтади:

1. Иқтисодиёт ўсиб борганда даромадлар ортади;
2. Иқтисодиёт пасайганда, даромад ҳам пасаяди;
3. Иқтисодиёт турғун бўлганда, даромадлар ўзгармайди.

У шуни алоҳида таъкидладики, “Кўпчилик аъзолари камбағал ва бахтсиз бўлган жамиятнинг ҳеч бири гуллаб-яшнаб бахтли бўла олмайди”¹². У фаровонликни оширишда кишиларни ўзи масъул бўлишини, яхши яшашга интилиш уларни тадбирли, тежамкор, меҳнатсевар ва ишбилармон қилишини айтиб ўтди. А.Смит: Яхши яшашга интилиш ҳар бир кишининг индивидуал

¹⁰ А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо 2009, стр. 346.

¹¹ Ўша ерда, 548-бет.

¹² Ўша ерда, 370-бет.

манфаатини билдиради, у жамият манфаатига зид келмайди, чунки у ўз бойлигини ошириш билан жамиятни ҳам бой қилади. Бироқ, А.Смит кишиларнинг индивидуал фаровонлигига устуворлик беради.

А.Смит хусусий манфаат деганда инсоннинг иқтисодий манфаатини тушунган, чунки уни иқтисодиётни ривожлантирувчи куч деб ҳисоблаган.

А.Смит қарашларига кўра бойлик жамғарилган неъматлар сифатида бўлғуси истеъмолга хизмат қилади, шу сабабли истеъмол узлуксиз бўлиши учун ишлаб чиқариш доимо такрорланиб туриши, бойликнинг тўпланиши тўхтовсиз бориши зарур. Бу билан бутун бир миллатнинг фаровонлиги, яъни ижтимоий фаровонликка эришилади. А.Смит табиий тузум, яъни эркин бозор тарафдори бўлгани учун индивидуал фаровонликка катта эътибор берди, ишчиларни жамиятнинг кўпчилик аъзолари сифатида қараб, унинг фаровонлигини иш ҳақи белгилашини тушуниб етди ҳамда уни истеъмол неъматлари билан боғлаб қуйидагиларни ёзди: “Инсон ҳар доим ўз меҳнати билан тирикчилик қилиш имконига эга бўлиши керак, унинг иш ҳақиси ҳеч бўлмаганда унинг яшаши учун етарли бўлиши лозим”¹³.

А.Смит реал иш ҳақини пул шаклидаги иш ҳақидан фарқлаштирди. Унинг ёзишича “Меҳнатга реал ҳақ тўлаш, яъни яшашга зарур нарсалар ва ҳаётий қулайликлар бўлиши”¹⁴ни билдиради.

А.Смит иш ҳақиға урғу берсада тадбиркорлар фойда, ер эгалари рента шаклида даромад олишларини айтиб ўтди.

А.Смит фаровонликни реал истеъмол билан боғлади, ундаги тенгсизликни кўра билди ва бу эркин иқтисодий тизим учун табиийдир, деган хулосага келди.

Д.Рикардо ҳам миллий даромадни жамиятнинг асосий синфлари ўртасида тақсимланиб иш ҳақи, фойда ва рента шаклига киришини айтиб ўтди.

¹³ А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо 2009, стр. 120.

¹⁴ Ўша ерда, 129-бет.

Д.Рикардо иш ҳақи “Ҳар қандай жамиятнинг энг кўп қисмининг”¹⁵ фаровонлигини тавсифланишидан келиб чиқиб, унинг миқдори қандай бўлишини “...хусусий ва эркин бозор рақобати белгилайди ва у ҳеч қачон қонунчиликни аралашуви билан назорат қилинмаслиги зарур”¹⁶. Бу билан у иш ҳақи миқдорини бозор қонунлари белгилашини қайд этди.

Д.Рикардо ёзишича, пул кўринишидаги иш ҳақининг ўсиши ҳали ишчилар яхши яшашини билдирмайди, чунки истеъмол товарларининг нархи ошади, буни у нон нархи мисолида тасдиқлайди.

Д.Рикардо фаровонликни пул тушумининг ўзи эмас, балки реал тушумлар белгилашидан келиб чиқиб, буни реал иш ҳақи орқали кўрсатди. У реал иш ҳақини пул шаклида иш ҳақиға ва нарх-навоға боғлиқ ҳолда таҳлил этди. Унинг ёзишича “Реал иш ҳақи пул шаклидаги иш ҳақиға нима беришини кўрсатади. У ишчи ва унинг оиласи турмуши унинг иш ҳақи сифатида оладиган пулининг миқдорига эмас, балки озиқ-овқат, ҳаётий зарур буюмлар ҳамда қулайликлар миқдорига боғлиқ”¹⁷.

У фаровонликни товарлар сифати билан боғлади, “нафлилик - истеъмол қиймати”¹⁸ деган хулосаға келди. У энг зарур истеъмол товарлари нархининг истеъмолға таъсирини инобатға олиб, улар нархи ўсишиға қараб пул шаклидаги иш ҳақини ошириб боришни маъқуллади.

Реал даромад ғоясидан келиб чиққан ҳолда, Д.Рикардо ҳамманинги фаровонлигига бойликнинг қиймати эмас, балки шу қийматнинг тагида ётган моддий неъматлар хизмат қилишини кўрсатди.

Д.Рикардо даромадларға фақат иқтисодий эмас, балки демографик омил, яъни аҳолининг кўпайиши ҳам таъсир этишини пайқайди. У шу хусусида икки вазият бўлишини кўрсатди:

Аҳоли ўсган шароитда меҳнатнинг унумдорлик кучи бундан тезроқ ўсади. Бунда фаровонлик ошади;

¹⁵ Д.Рикардо. Начало политической экономии и налогового обложения. Избранное, -М.: Эксмо 2009, стр. 138

¹⁶ Д.Рикардо. Начало политической экономии и налогового обложения. Избранное, -М.: Эксмо 2009, стр. 138

¹⁷ Ўша ерда, 129-бет.

¹⁸ Ўша ерда, 82-бет.

Аҳоли меҳнатнинг унумдорлик кучига нисбатан тез ўсади. Бунда аҳолининг ўсиши истеъмол буюмларининг етишмаслигини ҳосил этади. Шундай шароитда унинг таъкидлашича, мавжуд аҳволдан қутилиш воситаси ё аҳолини қисқариши ёки капитални жадалроқ жамғарилиши бўлади.

Агар А.Смит ва Д.Рикардо фаровонликни ишлаб чиқариш йўли билан бойликни оширишга боғлиқ деб ҳисобласа, бир қатор олимлар фаровонликни таъминлашда тақсимотни устувор деб билишган эди. Улар камбағалликни сабаби даромадларни адолатсиз тақсимланишидан кўриб, агар даромадлар тўғри тақсимланса, улар ҳамманинг тирикчилигига етади деб ўйлаганлар. Бундай қарашни Т.Р.Мальтус танқид қилди. У даромадларни тўғри тақсимлаш камбағалларга вақтинча мадад беради, лекин келажакда улар фаровонлигини таъминлай олмайди. У камбағаллик сабабини аҳолини тез ўсиши натижасида уни боқиш учун тирикчилик неъматларини етишмай қолиши деб ҳисоблади. Буни исботи сифатида кўп болали оилаларни камбағал бўлишини келтиради.

Унинг таъкидлашича, фаровон яшаб камбағаллар камайиши учун аҳолининг табиий ўсишини секинлаштириш, уни ишлаб чиқариш имкониятларига мослаштириш талаб қилинади. Т.Р.Мальтуснинг аҳоли ўсишини иқтисодий тараққиёт даражасига мослаштириш таклифи иқтисоди заиф мамлакатларга тўғри келиши мумкин.

А.Смит, Д.Рикардо ғоялари Марксизм таълимоти учун илмий мерос бўлиб хизмат қилди. К.Маркс таълимотига кўра капитализм деб аталган жамиятда фақат капитал соҳиблари фаровон яшайди, ишчилар кўпчилик бўлсада йўқсилларни ҳосил этади, улар камбағалликда кун кечиради.

К.Маркс ишчилар синфи(пролетариат)нинг қашшоқлашиб бориши муқаррар деб қаради, чунки ишчилар меҳнатининг кўпроқ қисмини капиталистлар текинга ўзлаштирадилар, яъни уларни эксплуатация қиладилар. К.Маркс қашшоқлашиш абсолют(мутлоқ) ва нисбий бўлишини айтиб ўтади. Мутлақ қашшоқлашув ишчилар истеъмолини йил сайин пасайиб боришини, улар борган сари ёмон яшашларини билдиради. Нисбий

кашшоқланиш ишчилар даромади ўсиб турсада, барибир уларнинг миллий даромаддаги хиссаси пасайиб боради, чунки ишчилар даромади капиталистлар даромадидан секин ўсади.

Капитализмни ривожланиш тажрибаси К.Маркснинг кашшоқланиш ғоясини тасдиқламади, чунки дунёда кашшоқланиш ўрнига аҳоли фаровонлигини жадал ўсиши кузатилди.

Маржинализм-неолиберализм вакиллари товарлар нафлилиги фаровонликни таъминловчи асосий омил, деб баҳолашди. К.Менгер ёзишича, “Эҳтиёжни қондирадиган ва уни тўйинтирадиган нарса неъматдир”¹⁹.

Нафлилик назариясига кўра эҳтиёжларни қондирилишини харид қобилияти чеклаб туради, истеъмолчилар ўз пулига қараб товарларни муқобил танловига бориб, ўз эҳтиёжларини қондиради.

Маржиналистлар эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатиш зарур деб ҳисобладилар. Л.Вальрас “Максимал фаровонликка эришишни таъминловчи ресурслар тақсимотини оптимал”²⁰ деб билди. Маржиналистлар К.Маркс фикрига қарши равишда эксплуатация деган нарса йўқлигини асосладилар. К.Менгер ишчилар меҳнатини ўзлаштиришни жамиятнинг иллоти деб қарашни маъқулламади, чунки меҳнат ишлаб чиқаришни битта омили холос, у бошқа омиллардан афзалликка эга эмас. Унинг қарашларига кўра, “Капитал соҳиблари ва ер эгалари ишчилар ҳисобига яшамайди, балки ер ҳамда капитал ҳисобидан яшайди”²¹.

У фаровонликни таъминлашда ишлаб чиқаришдан ташқари савдо-сотиқ ҳам қатнашишини кўрсатди, чунки унинг фикрига кўра, “Ҳар қандай хўжаликнинг мақсади неъматларнинг моддий ҳажмини кўпайтириш эмас, балки инсон эҳтиёжларини имкон борида борган сари тўлароқ қондиришдир”²².

¹⁹ Е.М.Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров.-М.: 1996, стр.371

²⁰ М.Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе.- М.: 1994, стр. 329.

²¹ Я.С.Ядгаров. История экономических учений.- М.: 1996, стр. 150.

²² Ўша ерда, стр. 152.

Неолиберализм вакили Ж.Б.Кларк фаровонликнинг манбаи бўлган бойлик муайян пайтда чекланганлиги учун унинг тақсимланиши бозор қонунига биноан бўлганда кўпчилик фаровон бўлади, деб ҳисоблади. Унинг ёзишича, бу қонунга кўра “Мутлақо мукаммал рақобат шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш омилига у яратган даромад тегади”²³. Унинг қарашларига кўра, омиллар эгаси оладиган даромад шакллари орасида иш ҳақи бажарилган иш учун, фойда капитал берилгани учун, фоиз хизмат кўрсатгани учун берилади.

Ж.Б.Кларк ҳар бир омилнинг маргинал унумдорлиги қанча бўлса, унинг эгаси оладиган даромад шунга мос бўлади, бинобарин меҳнаткашлар меҳнати маргинал унумдорлиги нимани яратса, улар шуни олишади. Бу билан у эксплуатация йўқлигини тасдиқламоқчи бўлади.

Яна бир неолиберализм вакили А.Пигу фаровонликка хизмат қилувчи миллий даромадни миллий дивидендга тенглаштирган²⁴ ҳолда, у бозор иштирокида тақсимланганда хусусий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлашмаслигини айтиб ўтди.

А.Пигудан аввал индивидуал фаровонликни ўлчаш учун “меъёрий фаровонлик”, “истеъмолчи ютуғи” кабилар қўлланилган. У эса, инсон фаровонлигини яшашдан қониқиш, эҳтиёжларини тўла қондирилиши деб қаради. А.Пигу ғоясининг интиҳоси шуки, “Миллий дивиденд - даромад бу ижтимоий фаровонликнинг меъёридир”²⁵. Аммо К.Вексель даромаднинг ўзидан ташқари унинг тақсимланишини ҳам фаровонликка таъсирини алоҳида эътироф этди.

У шундай хулоса чиқардики, даромадларнинг тақсимланиши ҳар бир ишлаб чиқариш омилига теккан маҳсулотни билдиради ва бу ҳар бир омил келтирган меъёрий унумдорликка боғлиқ бўлади. Назарияга “Вексель самараси” деган тушунча киритилдики, бунга кўра тадбиркорлар рақобати иш кучига талабни оширади, бу эса иш ҳақини кўпайтиради.

²³ Ж.Б.Кларк. Распределение богатства, - М.: 1992, стр. 17.

²⁴ Е.М.Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров.-М.: 1996, стр. 25.

²⁵ Ўша ерда, стр. 443.

Маржиналист Г.Сиджвик эътироф этишича, индивид бозор тизимида ўз фаровонлигини кўзлаб меҳнат қилади, бироқ бу билан у даромад яратишда иштирок этиб жамиятга ҳам хизмат қилади, чунки миллий даромад кишиларнинг даромадидан ўзга нарса эмас. Г.Сиджвик индивид ва жамият манфаатининг зиддиятидан келиб чиққан ҳолда таъкидлайдики, бозорнинг индивидуал нафлиликка асосланган рақобат механизми ҳамма муаммоларни ҳам ечавермайди, бас шундай экан уларни ҳал этишда давлат қатнашиши керак.

Г.Сиджвик ёзишича, “Яратилган миллий бойликни оздир-кўпдир текис тақсимлаш умумий фаровонлик даражасини оширади”²⁶. Аммо бу ишда давлат қатнашуви лозим.

В.Парето фаровонликни нафлиликни максималлаштириш деб баҳолади, унинг ғояси “Парето оптимуми” номини олди. Бу шуни билдирадики, ютиш ва ютқизиш якка фаровонликни фарқлантиради, бироқ умумий фаровонлик ҳам ошган бўлади.

А.Маршалл инсоннинг фаровонлигини ифодаловчи бойликни иқтисодий неъматлар сифатида таърифлади. Унинг қарашларига биноан жами иқтисодий неъматлар жамиятнинг бойлиги бўлса, ундаги ҳар бир кишининг хиссаси индивидуал бойлик бўлади. У меҳнат даромади деган тушунчани киритиб, буни қуйидагича изоҳлади: “Ҳар қандай замонда ва ҳар қандай маконда меҳнатнинг ҳар бир турига оздир-кўпдир аниқ даромад миқдори тўғри келадики, бу бир томондан муайян касбдаги ишловчининг тирикчилигини таъминласа, бошқа томондан эса уларнинг меҳнати унумдорлигини тўла таъминлаш учун зарур бўлган юқори даромад тўғри келади”.²⁷ У даромад деганда ҳар бир кишига ташқаридан келадиган пул, бепул истеъмол буюмлари ва хизматларини ҳамда натурал тушумларни назарда тутди²⁸.

²⁶Е.М.Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров.-М.: 1996,стр.449

²⁷ А.Маршалл. Основы экономической науки. -М.: Эксмо 2008, стр. 117.

²⁸ ,Ўша ерда, 121-бет.

А.Маршалл “Пул даромади ёки бойликдан келган тушум мамлакат гуллаб-яшнашининг ўлчамидир”²⁹ деб ёзди. А.Маршалл бозор тизимида эҳтиёжларни юксалиш қонуни борлигини қайд этиб, ишлаб чиқариш ўзгарувчан эҳтиёжларга мослашганда фаровонлик ортиб боришини кўрсатди.

А.Маршалл жамиятда бойлар ва камбағалларнинг мавжудлигини ресурсларга тегадиган даромадларни турлича бўлишидан келтириб чиқарди. У истеъмолдаги жиддий фарқларни табиий ҳолат деб қаради. А.Маршалл бозор иқтисодиётида даромадларнинг нотеқис тақсимланишини инкор этмаган, у жамиятда миллий даромад ёмон тақсимланганда айрим кишилар даромади бирданига ортиши мумкин, лекин бу барибир даромадларни ҳамманинг фаровонлиги учун етарли қилмайди. Бу билан у халқ турмушини яхшилаш учун миллий дивиденднинг ўзини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади, бунинг асосий шарти сифатида меҳнат унумдорлиги ўсишини кўрсатди. У бойлик кўпайиши кишилар фаровонлигини ошириш орқали, уларни бойликни яратиш қобилиятини ўстиришига алоҳида эътибор бериб, қуйидагиларни ёзган эди: “Бойликни яратиш - бу фақатгина инсоннинг ҳаётини таъминлаш, унинг эҳтиёжларини қондириш эмас, балки унинг кучини - жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ривожлантириш воситасидир”³⁰.

Фаровонликка ҳам бозор механизми, ҳам давлат иштирокида эришилишини ижтимоий бозор ҳўжалиги назариячилари асослади. В.Репке таъкидлашча, кишилар ўз фаровонлиги учун масъул, бироқ давлат кишиларни ўз фаровонлигини ўзи оширишига шароит яратиб бериши лозим. У ижтимоий давлат тушунчасини киритди ва бу давлат кишиларнинг эртанги кунга ишончини яратиши керак, деб ҳисоблади.

Дж.М.Кейнс фаровонликни макро даражада таҳлил этиб, жамиятнинг фаровонлигини истеъмол фонди белгилашини ва бу миллий даромаднинг миқдорига ҳамда унинг тақсимланишига боғлиқ бўлишини асослади. Унинг ёзишча, “Кишилар даромад ўсишига қараб ўз истеъмолини оширишга

²⁹ А.Маршалл. Основы экономической науки. -М.: Эксмо 2008, стр. 127.

³⁰ Ўша ерда, 210-бет.

мойил бўладилар, бироқ бу даромадларни ортиши меъёрига қараб бўлмайди”³¹, чунки истеъмол ва жамғариш муайян даромад даражасида карама-қарши ўзгаради.

Шуни назарда тутиб, у иқтисодий ўсиш равион бўлиши учун истеъмол ва жамғариш муқобил бўлишини асослади.

Истеъмолии жамиятнинг бойлигига боғлиқ эканлигидан келиб чиққан ҳолда, Кейнс “Камбағал жамият ўз маҳсулотининг катта қисмини истеъмолга юборишини”³², бой жамиятда эса истеъмолга мойиллик кучсизроқ бўлишини кайд этди.

Кейнс реал иш ҳақи истеъмолни белгилаши тўғрисидаги Лигу ғоясини маъқуллаб, кайд этдики, бу “Пул шаклидаги иш ҳақиға қанча товарлар сотиб олинишини билдиради”³³. Демак, бу товарлар нарҳига ҳам боғлиқ.

Даромадларда тенгсизлик борлигини Кейнс ҳам тан олди, лекин тенгсизлик катта бўлмаслигини ёқлаб чиқди. У тенгсизликни қисқартиришда даромадларни тақсимлашдан кўра кўпроқ уларни кучайтиришни афзал кўрди. Янги кейнсчилардан Е.Домар ва Р.Харрод аҳоли даромадларини ошириш учун барқарор иқтисодий ўсишни зарур деб билдилар.

Кейнсчилар неолиберализм вакилларида фарқли ўлароқ фаровонликни таъминлашда давлатнинг фаол иштирок этиши зарурлигини асослаб бердилар, лекин бунга маъмурий йўл билан эмас, балки молиявий воситалар ёрдамида эришилади. Лекин Кейнс ва унинг издошларининг давлат хусусидаги фикрларига неолиберализм атоқли вакиллари М.Фридмен ва Ф.Хайек қўшилмадилар.

Монетаризмнинг отаси М.Фридмен фикрига кўра фаровонликка эришиш учун реал даромадни ошириш зарур, бу эса инфляцияни бостириб, нархларни барқарорлаштиришни талаб қилади. У ҳам фаровонликка эришиш учун бозор механизмига йўл бериб, давлатнинг иқтисодий фаоллигини чеклаб туришини маъқуллади.

³¹ Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег -М.: Эксмо 2009, стр. 132.

³² Ўша ерда, 332-бет.

³³ Ўша ерда, 64-бет.

Ф.Хайек ҳам фаровонликка эришишнинг энг самарали йўли бозор кучларига эркинлик бериб, уларни давлат таъсиридан озод қилиш деб қаради.

Неолиберализмдан фарқли равишда Институционализм вакиллари иқтисодий ўсишга боғлиқ ҳолда фаровонликка эришиш учун бозор кучларидан ташқари давлат, касаба уюшмаси каби институтлар фаол бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Давлатни ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фаоллик қилишга чақиришди. Улар биринчи бўлиб, ижтимоий иқтисодиёт ғоясини олға сурдилар. Институционализмнинг атоқли вакили Д.К.Гелбрейт “Индустриал жамият” ғоясини ёқлаб чиққан, у таянган иқтисодиётни аралаш иқтисодиёт сифатида талқин этади. У давлат нархлар ва иш ҳақини тартиблаши зарур деб, топади.

Айни пайтда у юксак технологияларга таянган иқтисодиётни давлат кўмагида ривожлантириш орқали “Оммавий фаровонлик жамиятига эришиш” мумкин деб ҳисоблади. Бундай ғояларга либерал тизим назариячиси Ф.Хайек қарши чиқди. У фаровонликни таъминлашда либерал тизим афзалликка эга³⁴ деб ҳисоблади: Институционализм вакиллари фаровонликни таъминлашда институтлар иштирок этишини қайд этиб, улар таркибига давлат, касаба уюшмалари, ҳуқуқ органлари, оила, жамоат ташкилотлари кабиларни киритадилар.

Неоклассик синтез оқимининг йирик намоёнчаси П.Самуэльсондир. Унинг фикрига биноан фаровонликни микродаражада таъминлашда бозор механизми фаол бўлса, давлат иштирокида даромадларни тақсимлаб, инфляция ва ишсизликни қисқартириш орқали умумий фаровонликка эришиш мумкин.

Фаровонликка ижтимоий тенгсизлик жиҳатидан қараган олимлар сирасига Б.Джинни киради. У жамиятдаги оммавий фаровонлик ҳаммани бир хил яшашини эмас, балки турмуш даражасини жиддий фарқланиши шароитида юз беради, деб қайд этади. У аҳоли даромадларидаги

³⁴ Е.М.Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров.-М.:1996, стр.516.

тенгсизликни аниқлаш коэффицентларини Децил ва Квинтел гуруҳларга тадбиқан баҳолашни асослаб беради.

М.Лоуренц даромадлардаги тенгсизликни хонадонлар сонининг салмоғи билан уларнинг даромаддаги салмоғига мос эмаслигига асосланиб, уни эгри чизик орқали ифодалади ва бу “Лоуренц чизиғи” номини олди.

Фаровонликка эътибор берган энг сўнгги ғарб иқтисодчилари қаторида Бюкенен ва Стиглиц алоҳида ўрин тутати. Бюкененнинг ижтимоий танлов назариясига биноан давлатнинг обрў-эътиборини унинг ижтимоий муаммолар ечимидаги иштироки ташкил этади. Д.Стиглиц давлат аҳолига бепул кўрсатадиган ижтимоий хизматларини ижтимоий товар сифатида баҳолаб, уларнинг аҳоли фаровонлиги учун бекиёс аҳамиятини кўрсатиб ўтади.

Фаровонлик муаммолари ҳар бир мамлакатнинг шароитига тадбиқан ҳам ўрганилди. Шу ўринда Президент И.А.Каримов асарларидаги турмуш фаровонлигига ёндашув алоҳида ўрин тутати. Унинг қайд этишича, Ўзбекистон танлаган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти модели турмуш фаровонлигини муттасил ошириб боришга хизмат қилади. И.Каримовнинг буюк келажак тўғрисидаги ғояларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти халққа лойиқ турмуш даражасини беришни кафолатлаши лозим.

И.Каримов қарашларига кўра, турмуш даражасидаги тенгсизликни тартиблашда давлат фаол иштирок этади. Унинг ёзишича, “Сир эмаски биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кенг тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз”³⁵ ва бунга фаол ижтимоий сиёсат орқали эришилади.

Ҳозирги назарий таҳлилларга таянган ҳолда, олимлар, сиёсатчилар ва халқаро ташкилотлар аҳоли фаровонлигининг икки жиҳати борлигини, булар иқтисодий ҳамда ижтимоий фаровонлик эканлигини қайд этади. Иқтисодий

³⁵ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

фаровонлик аҳоли истеъмолининг ҳажми, таркиби ва унинг жамғариши билан тавсифланади. Ижтимоий фаровонлик ҳаёт кечириш шароитининг кулайлигини билдиради. Иқтисодий фаровонликни жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, хонадон (уй) хўжаликларидаги жон бошига истеъмол ҳажми, давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматларнинг бир кишига ҳисобланган ҳажми тавсифлайди. Халқаро иқтисодий ташкилотлар, хусусан жаҳон банки тадқиқотларининг йиллик ҳисоботларида турли мамлакатлардаги турмуш даражасига баҳо берилади. Шу ўринда ижтимоий фаровонликни жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори, аҳоли умрининг узунлиги, аҳоли саводхонлиги, камбағаллик даражаси, эркалар ва аёлларнинг тенглиги, беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим, бола туғиш чоғида оналарга кўрсатиладиган тиббий ёрдам, экологиянинг соғломлиги каби кўрсаткичлар асосида таҳлил этади.

Халқаро ташкилотлар таҳлиliga кўра инсон камолоти индексларига қараб мамлакатлардаги фаровонликка баҳо берилади. Фаровонлик хусусидаги ҳозирги қарашлар ғарбдаги “Экономикс”ларда умумлаштирилади. Уларнинг муаллифлари фаровонликка индивидуал ва жамоавий истеъмол жиҳатидан қарашади. Улар хонадонларни даромад олувчилар, уларни ўз ихтиёрига кўра тақсимлаб эҳтиёжни қондирувчилар сифатида қарайдилар. “Экономикс”ларда хонадонлар даромади турли шаклларда бўлишини эътироф этгани ҳолда, “Умумий даромаднинг асосий қисми капиталга тегадиган даромад эмас, балки меҳнатга тегадиган даромаддир”³⁶ деб айтилади, аммо рента ва фоииз шаклидаги мулкӣ даромадлар ҳамда фойданинг борлиги ҳам қайд этилади.

Кўпчилик “Экономикс”ларда аҳолига тегадиган даромадларни истеъмолга юборилишини ва жамғарилишини қайд этадилар, турмуш даражасини даромадлар сарфининг айтилган икки йўналиши асосида белгиланишини кўрсатадилар. Улар турмуш даражасини индивидуал яқка истеъмол билан чекламаган ҳолда, биргаликда истеъмол этиладиган ва давлат

³⁶ К.Р.Макконелл, С.Л.Брю. Экономикс: Принципы, проблемы и политика Т.1. -М.: “Республика” 1992, стр. 105.

молиялаштирадиган ижтимоий неъматлар истеъмолини назарда тутишини ҳам уқтирадилар. Уларда давлат даромадларини қайта тақсимлаш йўли билан фаровонликка хисса қўшиши зарурлигини ёқлаб чиқилади.

“Экономикс”ларда ҳам турмуш даражасини турлари ва ундаги тенгсизлик мавжуд эканлигини тан олинган ҳолда, буни “Сиёсий ҳокимият эмас, балки иқтисодий қонун белгилашини”³⁷ таъкидлайдилар. МДҲ мамлакатлари олимлари илгариги ортодоксал Марксистик қарашлардан қайтиб, Ғарбдаги либерал қарашларни ўзлаштирдилар. Турмуш фаровонлигига бўлган янгича нигоҳ орқали қараш билан биргаликда ортодоксал қарашлар ҳам такрорланади. Сўнгги пайтда нашр этилган дарсликларда турмуш даражасига янгича қарашни ортодоксал қарашлар билан чапиштиришга уринишлар бўлиб, “иш ҳақи даромад сифатида қаралганда, уни меҳнатни капиталга бўйсундирилганидан келиб чиқиб, эскичасига иш кучи қийматини пулдаги ифодаси сифатида қаралади”³⁸.

Ўзбекистонда нашр этилган дарсликларда ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик масаласи алоҳида қаралади.

Хуллас, фаровонлик хусусидаги назарий қарашлар тўпланган назарий меросга таянади, бироқ кейинги вақтда юз берган ўзгаришларни умумлаштириб, уларга аниқлик ва янгиликлар киритилади.

1.2. Аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишда давлат ҳамда фуқаролик институтларининг ўрни

Давлат иқтисодиётнинг ижтимоийлигини таъминлашда фаол қатнашади. Аммо бу ижтимоийликни фақат давлат юзага чиқара олади деган гап эмас, чунки ижтимоий йўналиш олиш бозор механизмига ҳам хос. Бироқ бунинг учун бозор кучларига хос лаёқатсизлик юзага келганда, давлат бу кучларни

³⁷ П.Самуэльсон. Экономика. Т.2, -М.: 1992; К.Р.Макконелл, С.Л.Брю. Экономика: Принципы, проблемы и политика ТЛ. -М.: “Республика” 1992,

³⁸ С.В.Мочерный, В.В.Некрасова. Политэкономика. Учебник для высших и средних специальных учебных заведений -М.: 2005, стр. 267.

тўғри йўналишга солиб, иқтисодий ўсиш ва фаровонликни оширишга ҳисса қўшади.

П.Самуэльсон ёзишича: “Давлат ўзининг сиёсати ёрдамида хусусий ташаббусни амалда бўлиши учун энг қулай шароитни яратишга хизмат қилади”.³⁹ Давлат сиёсати иқтисодиётни бир маромда ўсишига қўмаклашади, бу эса фаровонликни кафолатлайди. Бу ҳақда Ўзбекистон давлатининг иқтисодиётни инкирозга қарши йўналишида тартиблаш чора-тадбирлари берган натижа гувоҳлик беради. Бутун дунёда иқтисодиёт пасайиб, оммавий ишсизлик кўпайган ва аҳоли даромадлари пасайган шароитда, Ўзбекистонда иқтисодиёт барқарор ўсиб, халқ фаровонлиги ошиб борди. Натижада 2012 йил аҳолининг жон бошига ҳисобланган реал даромади 2011 йилга нисбатан 27,8%га ошди.

Ўзбекистонда давлат иқтисодий сиёсатининг иккита эътиборли жиҳати бор:

1. Давлат асосий ислохотчи сифатида бозор ислохотларига бошчилик қилди, унинг раҳбарлигида бозор иқтисодиётига асос солинди. Натижада бозор механизми юзага келдики, бу фаровонликка хизмат қилади.

2. Давлат янгидан шаклланган иқтисодиётни ўз ҳолига ташлаб қўймай уни тартиблаб туриш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга оширди. Натижада иқтисодиёт барқарор ва жадаллашиб бораётган ўсишдек йўналиш олди. Бу билан фаровонликни ўсиши учун асос яратилди.

2000-2012 йиллар оралиғидаги иқтисодий ўсиш фаровонликка хизмат қилувчи истеъмол фондини, уни таққосий нархларда ҳисоблаганда 1,8 марта ўсишига олиб келди. Бу шундан дарак берадики, давлат иқтисодий ўсиш учун қулай шароит яратиб бергани ҳолда, фаровонлик ўсишига ҳисса қўшади. Бу давлатнинг фаровонликни таъминлашда билвосита иштирокидир.

Давлатнинг аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишдаги иштироки унинг ижтимоий сиёсати билан ҳам амалга ошади, бу бандлик ва даромад сиёсатини ўз ичига олади. Бандлик сиёсати аҳоли бандлигини

³⁹ П.Самуэльсон. Экономика. Т.2, - М.: 1992, стр 237.

оширишга, янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилади. Шу сабабли 2012 йил бандлар сонини 967,5 минг. кишига ортиши кутилади.

Давлатнинг бандлик сиёсати аҳолини иш билан таъминлаб, унга ишлаб даромад топиш имконини беради. У ҳамма чоралар билан янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантиради, у янги иш ўринларини яратганларга солиқдан енгиллик беради, субсидиялар ажратади, лицензиялар беради, имтиёзли кредитларни ташкил этади. Шу хусусда Ўзбекистон иқтисодининг кичик бизнес секторида янги иш ўринлари яратилишини арзон ва қулай микрокредит билан сийланишини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон тижорат банклари 2010 йил 1654 млрд. сўмлик микрокредит берган бўлсалар, бу сўмма 2012 йилга келиб 2696,8 млрд. сўмга етди. Махсус “Микрокредит банк” ташкил этилиб, у 2010 йил йилига 3% тўлаш шарти билан дастлабки капитални шакллантириб иш ўринларини яратиш учун 13,1 млрд. сўм, айланма маблағлар учун 51,6 млрд. сўм, микролизинг учун 26,1 млрд. сўм кредит ажратди. Янги иш ўринлари яратилиши солиқ имтиёзлари бериш билан ҳам рағбатлантирилади.

Давлат касаначилик қилиш, ўз уйида қорамол боқиш орқали ўзини-ўзи иш билан таъминлашни ҳам қўллаб-қувватлайди. 2012 йил 1,3 миллион киши қорамол боқиш йўлига ўтиб ўзини иш билан таъминлади. Давлатнинг изчил бандлик сиёсати аҳолини иш билан таъминлашга ўз хиссасини қўшади. Агар Ўзбекистондаги бандлар сони 2010 йил 9,018 миллион киши бўлса, 2012 йил 6,5 миллион кишини ташкил этди. Бандликнинг ўсиши аҳоли даромадларини ошириш омилларидан бирига айланди. 2012 йилда аҳоли реал даромадлари ўсишининг 33,6%и бандлик ҳисобидан бўлди.

Оммавий фаровонликни таъминлашда давлатнинг даромад сиёсати ўз ўрнига эга. Бу сиёсат даромадларни тақсимланишини тартиблаб туради. Давлат қонун йўли билан энг кам иш ҳақини белгилаб қўядики, ҳеч бир иш берувчи бундан оз ҳақ тўлаши мутлақо мумкин эмас. Давлат ишсизлик нафақаларини ҳам қонун йўли билан киритади. Ўзбекистонда ишсизлик нафақаси иш билан таъминлашга кўмаклашувига қаратилган нобюджет

фонди ҳисобидан тўланади. Давлат пенсия тизими қариялар ва ногиронларни даромад билан таъминлайди. Давлатнинг даромад сиёсати даромадлардаги тенгсизликни қисқартириш, даромад топишдаги адолатлилик тамойилини таъминлашга ҳам қаратилади. Давлат пулдорлар даромадининг бир қисмини солиқ ундириш воситасида олади ва буни ижтимоий ёрдамга, яъни муҳтожларга даромад сифатида беради.


Ўзбекистон давлатининг даромадларни тартиблаш борасидаги фаолияти жамиятни ўта бой ва ўта камбағалларга ажралишига йўл бермайди. Шу сабабли, кейинги ўн йилда Ўзбекистонда бойлар ва камбағалларнинг бир кишига ҳисобланган даромади ўртасидаги фарқ 21,1 баробардан 8,3 баробарга қискарди.⁴⁰ Ваҳоланки, бир қатор хорижий мамлакатларда бу фарқ 20-25 марта, айрим давлатларда 40-50 мартагача етади. Ўзбекистонда бир томонда бойлиги тўлиб-тошиб кетган олигархлар ва иккинчи томонда йўқсиллар гуруҳи вужудга келмади. Ўзбекистон давлати инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда, биринчидан, ўзи бюджет ҳисобидан муҳтожларга ёрдам беради, иккинчидан эса, бой, бадавлат кишиларни, фирмаларни саҳоватга, ҳомийликка ундайди, уларни айрим фуқароларга, маҳаллаларга, меҳрибонлик ҳамда қариялар уйларига ёрдам беришга чақиради.

Ўзбекистон давлати муҳтожларни ҳимоялаш йўлини тутди, шу сабабли бюджет харажатларида ижтимоий ҳимоя учун узлуксиз равишда пул маблағлари ажратилади. Давлат бюджетидagi ҳимоя маблағлари ЯИМ қийматининг 1,0-2,5%и миқдорида белгиланади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, 2012 йилда давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун таққосий нархларда ҳисоблаганда 806,9 млрд.сўм ажратилди. Ҳимоя учун ажратилган пул миқдори 2012 йил 2010 (608,9 млрд. сум) йилга нисбатан 1,32 марта кўп бўлди. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир муҳтож оилага бериладиган ёрдам миқдорини салмоқли қилди.

⁴⁰ 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

Давлат фаровонлик ўсишига инфляцияни пасайтириш орқали ҳам таъсир этади, бунга унинг монетар сиёсати қаратилади. Инфляцияни пасайтириш учун давлат муомаладаги пул миқдорини зарурий даражада сақлаб туради. Пул етишмаганда у муомалага чиқарилади, ортиб қолганда эса, муомаладан чиқариб олинади.

Буни Ўзбекистонда иқтисодий пул билан таъминланиш, яъни монетизация коэффициентини ўзгаришидан кўриш мумкин. Бу кўрсаткич кейинги пайтда қуйидагича ўзгарди (1.3.1. диаграмма).



1.3.1. Диаграмма. Ўзбекистонда монетизация коэффициентининг динамикаси*

* Манба: Ўзбекистон Марказий Банки маълумотлари асосида.


Давлатнинг изчил монетар сиёсати туфайли Ўзбекистонда пул бирлиги қадрини жиддий пасайишига йўл бермай, аҳоли реал даромадини оширишга шароит ҳозирлайди.

Аҳолининг банклардаги омонатини давлат йўли билан кафолатланиши, уни жиддий равишда ўсишига олиб келди. Бу билан аҳолининг фоиздан иборат даромадини оширишга эришилди, аҳоли қўлидаги пул қолдиғи қисқариб, унинг инфляцион босими камайтирилди. Ўзбекистонда инфляция кучли бўлмасада, у аҳолининг харид қобилиятини пасайтиради. Шунинг

инобатга олиб давлат ҳар йили пул даромадлари индексациясини ўтказди, яъни уларни инфляцияга қараб ошириб боради.

Давлатнинг фаровонликни оширишдаги бевосита иштироки уни аҳолига бепул ижтимоий неъматлар(таълим, тиббий, спорт ва соғломлаштириш, маданий-маърифий хизматлари)ни етказиб бериши ва ижтимоий инфратузилмани ўз инвестициялари ҳисобидан ривожлантиришидан ҳам иборатдир. Бунга давлат қўлида тўпланадиган катта пул миқдори хизмат қилади. Ҳозирги пайтда иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатлар билан ўсиши давлат бюджети ижтимоий харажатларини жиддий ошириш имконини беради. Шунга мувофиқ тарзда 2002-2012 йилларда бюджетнинг реал ижтимоий харажатлари деярли 2,3 мартага ошди. Бюджет ижтимоий харажатлари ҳар доим салмоқлидир.

Улар ҳисобидан давлат ижтимоий хизматларни ҳаммага бир хил ва бепул кўрсатади. Бу хизматларнинг муттасил истеъмол этилиши оммавий фаровонликни кафолатлайди. Давлатнинг ижтимоий харажатлари бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ҳам бўлади, чунки уларнинг бир қисми ижтимоий йўналишда сарфланади. Буларни ҳам ҳисобга олсак жами харажатларнинг қуйидаги реал динамикаси ҳосил бўлади.



**1.2.1. – Расм. Ўзбекистонда давлатнинг реал ижтимоий харажатлари
(2005 йил нархида, млрд. сўм)***

1.2.1-Расмдаги рақамлар кўрсатишича, давлатнинг реал ижтимоий харажатлари деярли 2 марта кўпайган. Улар аҳоли жон бошига ҳисобланганда 1,7 марта ошган. Бу шундан гувоҳлик берадики, давлат ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда тобора фаол қатнашади. Бозор механизми фаровонликдаги тенгсизликни юзага келтиради, давлатнинг бепул ижтимоий неъматлар (хизматлар)идан ҳаммани бир хил баҳраманд этади, натижада тенгсизликни чеклаб туради.

Давлат бозор механизми ҳал қила олмайдиган вазифаларни адо этади. Маълумки, бозор кучлари фаровонликни фойда олишдек мақсадга эришишдан иборат чегарадагина таъминлай олади, лекин улар ишсизлар ва ишга лаёқатсиз, яъни ўзини-ўзи боқа олмайдиганларга фаровонлик бера олмайди. Буни фақат давлат уддалайди. Давлат ҳисобидан пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар тўланадики, улар ҳар бир хонадон бюджетини шакллантиришда иштирок этади. Муҳтож оилаларни давлат ўз ҳимоясига олади, уларга маҳаллалар орқали ёрдам беради. Бу ёрдам муҳтожлар сонига ва давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ. Шу сабабли ижтимоий ҳимоя маблағларининг ЯИМдаги ҳиссаси ўзгариб туради, бироқ унинг умумий ҳажми ўсиб боради.

Давлатнинг фаровонликдаги ролини аниқлаш учун унинг ноишлаб чиқариш тавсифидаги инвестицияларини ҳам баҳолаш талаб қилинади. Чунки, бу турмуш шароитини аҳоли учун қулай қилишга юборилади. Бу инвестицияларни ҳам назарда тутсак, Ўзбекистонда давлатнинг кишилар фаровонлигига қаратилган сарфлари ЯИМнинг 53,4%ни (2012 йил) ташкил этади. Давлат инвестициялари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга юборилади. Булар туфайли аҳолининг газ, ичимлик суви, электроэнергия ва канализация билан таъминланиши ортиб у турмуш қулайликларига эга бўлади. Шунини қайд этиш жоизки, давлат инвестициялари хизмат кўрсатишдаги кўлам самараси талабларига жавоб беради, чунки аҳолига хизматлар етказиб бериш сарфлари тежалади.

Ҳозирги назарияда фаровонликни таъминлашда ижтимоий кучларнинг иштироки ҳам эътироф этилади. Унинг вакилларида Д.Р.Комманс корпорация, фирма, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари маълум аҳоли гуруҳлари манфаатини ифодалашини кайд этади. У давлат жамоавий институтлар билан битим тузишини ёқлаб чиққан ва фаровонликка ҳуқуқий нормаларга итбат этиш орқали эришилишини айтиб ўтган. Б.Хансен институтларнинг фаровонликка бевосита таъсир этиши зарурлигини айтиб ўтган. Унинг ёзишича, “...илгарилари бозордаги хатти-ҳаракатларга ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар борса, эндиликда бу иш ташкилотлар, яъни турли тоифадаги жамоавий институтлар қўулига ўтди.”⁴¹

Фуқаролик жамияти институтлари ғоят хилма-хил бўлиб, улардан бири кўпчилик манфаатини, бошқалари озчиликдан иборат кишилар манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистонда 2012 йил 5,2 мингдан ортиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ишлаб турди.

Ўзбекистон Республикасиинг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунига биноан бу ташкилотларга “Ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш,...”⁴² ҳуқуқи берилган. Фақатгина 2012 йилнинг ўзида улар тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 млрд. сўм юборилди.

Ўзбекистон Республикасиинг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида улар ўз аъзоларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари кўзда тутилган. Қонунга биноан касаба уюшмалари “...ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш

⁴¹ Е.М.Майбурд. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров.-М.:1996, стр. 510

⁴²Ўзбекистон Республикасиинг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни (7-модда). -Т.: 1999, 3-бет.

даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар...”⁴³.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига кўра истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамиятлар тузилиб, улар товарларга асоссиз қиммат нарх белгилаш, улар сифатини сунъий пасайтириш, истеъмолга яроқсиз товарни таклиф этиш каби ҳолатларга қарши курашади.

Экологик ҳаракат ҳам истеъмолчилар жамиятлари сингари кўпчиликнинг фаровонлигини кўзлайди, чунки уларнинг экологик мувозанатни сақлашга интилиши барча турмушининг табиий шароитини соғломлаштиришга қаратилади.

Жамоат ташкилотларининг сай-ҳаракатлари билан турмуш даражасини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинади. Жамоат ташкилотлари фаровонликни ўз маблағларини сарфлашдан кўра кўпроқ бу муаммога жамоатчилик эътиборини қаратиш орқали таъсир этади. Улар ЯИМни ўзлаштиришда қатнашсаларда, уларнинг бундаги ҳиссаси катта эмас. Ўзбекистонда 2012 йил хонадонларга хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларнинг қўшилган қийматдаги ҳиссаси 0,7% бўлди, холос. Маблағларни чекланиши, нодавлат жамоат ташкилотлари ижтимоий фаолияти доирасини торайтиради, албатта.

Биринчи боб буйича хулосолар

Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланган даврдан бошлаб ҳозирга қадар аҳоли турмуш фаровонлиги у ёки бу даражада ўрганилди.

Фаровонлик муаммолари ҳар бир мамлакатнинг шароитига тадбиқан ҳам ўрганилди. Шу ўринда Президент И.А.Каримов асарларидаги турмуш фаровонлигига ёндашув алоҳида ўрин тутди. Унинг қайд этишича, Ўзбекистон танлаган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти модели

⁴³Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (II Боб, 10-модда). - Т.: 1992, 5-бет.

турмуш фаровонлигини муттасил ошириб боришга хизмат қилади. И.Каримовнинг буюк келажак тўғрисидаги ғояларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти халққа лойиқ турмуш даражасини беришни кафолатлаши лозим.

Ҳозирги назарий таҳлилларга таянган ҳолда, олимлар, сиёсатчилар ва халқаро ташкилотлар аҳоли фаровонлигининг икки жиҳати борлигини, булар иқтисодий ҳамда ижтимоий фаровонлик эканлигини қайд этади. Иқтисодий фаровонлик аҳоли истеъмолининг ҳажми, таркиби ва унинг жамғариши билан тавсифланади. Ижтимоий фаровонлик ҳаёт кечириш шароитининг қулайлигини билдиради. Иқтисодий фаровонликни жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми, хонадон (уй) хўжаликларидаги жон бошига истеъмол ҳажми, давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматларнинг бир кишига ҳисобланган ҳажми тавсифлайди.

Хуллас, фаровонлик хусусидаги назарий қарашлар тўпланган назарий меросга таянади, бироқ кейинги вақтда юз берган ўзгаришларни умумлаштириб, уларга аниқлик ва янгиликлар киритилади.

Давлат иқтисодиётнинг ижтимоийлигини таъминлашда фаол қатнашади. Аммо бу ижтимоийликни фақат давлат юзага чиқара олади деган гап эмас, чунки ижтимоий йўналиш олиш бозор механизмига ҳам хос. Бироқ бунинг учун бозор кучларига хос лаёқатсизлик юзага келганда, давлат бу кучларни тўғри йўналишга солиб, иқтисодий ўсиш ва фаровонликни оширишга ҳисса қўшади.

II -БОБ. РЕСПУБЛИКАДА АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАРАЖАСИ

2.1. Аҳоли даромадлари шаклланиши ва унинг манбалари

Ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, аҳоли даромадлари миқдори билан белгиланади. 2012 йилда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

2000 йил билан таққослаганда, 2012 йилда реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида 1,5 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2012 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистонда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,0	8,1	8,5	8,3	8,2
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,7	9,0	8,3	6,3	6,2
Хизмат кўрсатиш ҳажми	21,3	12,9	13,4	16,1	16,8
Савдо соҳаси	7,2	16,6	14,7	16,4	16,9
Давлат бюджетининг бажарилиши	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4	+0,4
Инфляция даражаси	7,8	7,4	7,3	7,9	8,0
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг ошиши	40,0+	40,0	32,0	26,5	27,2
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	23,0	26,5	23,5	23,1	23,4

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий принципларидан бири сифатида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1991–2012 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар

кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини бери.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

2012 йилда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромади 51 фоизга ташкил қилди, бошқача айтганда, Ўзбекистон аҳолиси даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланимўқда.

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб бормўқда. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000–2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга. 2012 йилда Ўзбекистон аҳолисининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизга ташкил қилди, сўнгги 10 йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. 2012 йилда

Ўзбекистондаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортигини аҳоли инвестициялари ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарасидир.

“Обод турмуш йили” давлат дастурини ишлаб чиқишда энг аввало маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро томонидан тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиш, уни муносиб ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш, тинчлик учун курашишга олий бурч сифатида қараш каби қадриятларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларга эътибор қаратиш зарур бўлади.


Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Президентимиз аҳоли фаровонлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишини белгилаб берди (2.1.1-расм).


Энди аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишига тўхталиб ўтамиз.

1. *Аҳолининг реал даромадларини ошириш.* Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.

2.1.1-расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.



2.1.1-расм. Аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишлари.



2.2.2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан)

2. *Иш билан бандлик масаласини ечиш.* Аҳоли фаровонлигини оширишда

бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда⁴⁴. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан,

⁴⁴ 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастури

демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамойилларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

2.2. Аҳоли реал даромадлари ва турмуш фаровонлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Иқтисодий фаровонлик истеъмол этилган товарлар ва хизматларнинг миқдори, сифати ҳамда аҳоли жамғариши билан тавсифланади. Истеъмол таркибининг ғоят мураккаб бўлиши, буни моддий буюм шаклида баҳолаш имконини бермайди, яъни шундай йўл билан амалдаги истеъмолни баҳолаб бўлмайди. Бу ерда истеъмолнинг пул қиймат шакли қўл келади ва буни реал даромад ифодалайди.

Реал даромад хусусида турли назарий қарашлар халқ истеъмоли товарлашган истеъмол бўлишидан, яъни эҳтиёжини қондириш учун пул даромадларини бозорда, у ерда шаклланган нархларга биноан товар ва хизматларга айирбошлаш орқали юз беришидан келиб чиқади. Кишиларнинг эҳтиёжи товар шаклидаги ноз-неъматларнинг истеъмоли орқали қондирилишини А.Смит ва Д.Рикардолар биринчи бўлиб кўра билишган. Улар мамлакат бойлиги, у ердаги пул массаси эмас, балки турли-туман истеъмол буюмлари бўлиши ва мана шулар эҳтиёжларни қондиришини кўрсатишган. Улар номинал ва реал иш ҳақини фарқлантиришган.

А.Смит фикрига кўра, реал иш ҳақи "...озик-овқат маҳсулотларининг одатдаги ёки ўртача нархига боғлиқ бўлади"⁴⁵. Д.Рикардо "...ишчи ва унинг оиласининг тирикчилиги, у иш ҳақи сифатида оладиган пул миқдорига эмас,

⁴⁵ А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо 2009, стр. 798.

балки озиқ-овқат, ҳаётий зарур буюмлар ва комфортга боғлиқдир”⁴⁶ деб ёзган.

Кейинги назариячилар фаровонликни даражасини пул миқдорининг ўзи эмас, балки пул бирлигининг қурби билан баҳоладилар ва буни нархлардан келтириб чиқардилар. А.Пигу, В.Парето, Дж.М.Кейнс ва П.Самуэльсонлар аҳоли фаровонлигини реал даромад воситасида талқин этдилар. Унинг асосийси сифатида реал иш ҳақи қаралди. П.Самуэльсон қайд этишича, ёлланиб ишловчилар ва улар оилалари аҳолининг асосий қисмини ташкил этади, улар учун муҳим нарса “Реал иш ҳақининг даражаси, яъни муайян иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар ҳажмидир”⁴⁷.

Фаровонликни фақат иш ҳақи эмас, даромадларнинг бошқа турлари ҳам ифодалайди. Шу боис реал даромад тушунчасини қўллаш лозим. Реал даромадни истеъмолға хизмат қилишидан бу истеъмолға хос категория деб қараш мумкин эмас. Реал даромад ҳам тақсимлаш категориясидир, лекин бу нархлардаги ўзгаришни ҳам назарда тутати. Шундан келиб чиққан ҳолда, реал даромадни, пул харид қурбини ҳисобға олган даромад деб айтиш мумкин. Маълумки, П.Самуэльсон реал даромадни нархлар ўзгармаган шароитдаги пул даромади⁴⁸ деб қараган. Бироқ ҳозирги адабиётда реал даромадни натурал даромадға қийслаб, уни моддийлаштиришға йўл берилади. Бу билан даромадларни пул қиймат шакли менсилмайди. Айрим муаллифлар реал даромадни иқтисодий моҳияти жиҳатидан эмас, балки уни ҳисоблаб чиқиш нуқтаи назаридан қарашади. Бизнингча, реал даромадларни тақсимлаш жиҳатидан қараш ўринли бўлса керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, реал даромадни иқтисодиёт субъектларининг яратилган реал ЯИМдаги ҳиссаси деб баҳолаш мумкин. Бу билан реал даромад пул даромади асосида юзага келиши эътироф этилади.

Реал даромад иқтисодий фаровонликни баҳолашнинг асосий мезонидир. Унинг динамикасига учта омил таъсир этади, булар: пул даромадларининг

⁴⁶ Д.Рикардо. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное, -М.: Эксмо 2009, стр. 129

⁴⁷ П.Самуэльсон. Экономика. Т.2, - М.: 1992, стр. 172.

⁴⁸ Ўша ерда, стр. 172.

миқдори, ундан чегирмалар олинганидан сўнг қўлга тегадиган, яъни кишилар тасарруфига тушган даромад, истеъмол товарларининг бозор нархи. Реал даромадлар номинал пул даромади миқдorigа тўғри мутаносибликда, ундан олинadиган чегирмалар миқдори ва нарх даражасига тескари мутаносибликда бўлади. Унинг ортиши учун энг аввал пул даромадлари кўпайиши лозим.

Якка фаровонлик даражасини охир-оқибатда ҳар бир кишининг истеъмоли белгилайди, бу эса аҳоли жон бошига ҳисобланган пул даромадига боғлиқ. Ишлаб чиқариш қанчалик кўп бўлса, пул даромади шунчалик кўп бўлади. Аммо фаровонлик ортиши учун ялпи даромад ҳажми аҳоли сонига нисбатан жадалроқ ўсиши зарур. Буни дунё амалиёти тасдиқлайди. Бундан огоҳ бўлиш учун Жаҳон Банки маълумотлари асосида тузилган жадвалга мурожаат этамиз (2.2.1 - жадвал).

2.2.1 - жадвал

Дунё миқёсида жон бошига ҳисобланган даромадларнинг ўсиши*


№	Кўрсаткичлар	2000	2012
1	Ялпи миллий маҳсулот ҳажми, млрд. доллар	28862,2	57637,5
2	Аҳоли сони, млн. нафар	5847,0	6692,0
3	Жон бошига ҳисобланган миллий маҳсулот, доллар	4890	8613
4	Жон бошига ҳисобланган аҳоли даромади, доллар	3912	5193,6

* Манба: World development report 2012, p. 379.; World development Report. 2012, p. 277,

Жаҳон миллий маҳсулоти аҳолининг ўсишига нисбатан жадалроқ бўлганидан жон бошига ҳисобланган аҳоли даромади ортиб борди.

Бироқ иқтисоди ривожланган мамлакатларда аҳолининг ғоят секин ўсиши иқтисодий ўсиш шароитида жон бошига даромадларни тез ўсишига олиб келади. Аксинча, иқтисоди заиф мамлакатларда аҳолининг тез ўсиши жон бошига даромадлар кўпайишини сустлаштиради. Аммо, бундан аҳоли қанчалик секин ўсса, шунчалик бу фаровонлик учун яхши, аҳоли умуман ўсмаса, бу яна ҳам яхши деган гап эмас. Фаровонлик баҳоланганда аҳолини фақат истеъмолчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи, яъни даромадларни яратувчи сифатида ҳам қараш лозим. Аҳолининг кўпайиши тўла бандлик

шароитида ишлаб чиқарувчилар ҳам кўпайишини билдиради. Аҳоли сонининг муқобиллигини иқтисодий вазиятга нисбатан баҳолаш тўғри бўлади. Шу ўринда А.Смитнинг куйидаги сўзлари эътиборга лойиқ: “Ҳар қандай мамлакатдаги аҳоли сони унинг фаровонлиги ва маданияти даражасига нисбатан пропорционал бўлиши лозим”⁴⁹. П.Самуэльсон таъкидлашича, фаровонлик ортиб бориши учун аҳоли сони иқтисодий ҳолатга муқобил бўлиши талаб қилинади. Унинг фикрига кўра, фаровонлик учун энг муҳими аҳоли динамикаси эмас, балки ишлаб чиқаришнинг ўсишидир. Шу сабабли фаровонлик пасайиши аҳолининг ўсиши туфайли эмас, балки иқтисодий ўсиш секинлашган чоғда юз беради, лекин бу қисқа вақтда давом этади. Инновация асосида акселиризация самараси пайдо бўлади, натижада даромад ўсади, аввалги йўқотишлар қопланибгина қолмай, ундан ошиб ҳам кетади. Бундай қонуниятни куйидаги 2.2.1.-расмдан ҳам кўриш мумкин.



2.2.1. - расм. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва аҳоли даромадлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Расмдаги ОҮ тик (вертикал) чизик ишлаб чиқариш ҳажмини, АВ эгри чизик даромадлиликни ўсишини, ВБ чизик унинг пасайишини билдиради. Даромадлилик В нуқтага етганда аҳолининг М нуқтага ўсиши оптимал бўлади. Даромадлилик D нуқтагача қисқарганда аҳоли сони N нуқтагача ўсади. Шу пайтда жон бошига даромад пасайиши мумкин, чунки аҳоли сони

⁴⁹ А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Эксмо 2009, стр. 548.

билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мувозанат бузилади. Шу сабабли аҳоли N нуқтага борган сони муқобил бўлмайди. Даромадлилик ўсиб, у C нуқтага чиққанда, аҳоли ўсишига қарамай, унинг K нуқтадаги сони иқтисодиёт даражасига муқобил бўлади. Демак, иқтисодий ўсиш аҳоли кўпайишининг даромадларга салбий таъсирини нейтраллаштира олади. Демографик ўзгаришларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири бир ишловчига қанча боқимандалар, яъни болалар ва қариялар тўғри келишига боғлиқ. Боқимандалар қанчалик кўп бўлса, турмуш даражасини сақлаб қолиш, уни ошириш ишловчиларга шунчалик оғирлик бўлиб тушади. Германияда болани 20 ёшгача боқиб, тарбиялаш харажати битта қарияни унинг умри охиригача таъминлаб туриш харажатиغا нисбатан 25% юқори туради. Бироқ аҳолининг қариб бориши, яъни унинг таркибида қариялар хиссасини ортиши жон бошига ҳисобланган даромадларни камайтириши мумкин. Аммо, бунга йўл бермаслик учун ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги жадал ўсиб бориши лозим. Буни Япония тажрибаси тасдиқлайди.

Аҳолининг қариб бориши аҳоли таркибидаги болалар хиссаси қисқаришини билдиради. Шу сабабли болаларни таъминлаб туриш харажатлари қисқаради, бунинг натижасида эришилган тежам қарилар таъминотига юборилади. Болалар ва қарияларни боқиш харажатлари индивидуал ва ижтимоийдир. Болаларнинг таъминоти оилага тушса, қарияларники пенсия тизими зиммасига тушади. Ҳар икки гуруҳ боқимандаларни таъминлаш харажатлари ишловчилар яратган даромад ҳисобидан қопланади.

Аҳолининг сони ва унинг таркиби даромадларга таъсир этади, лекин бу фаровонликни белгиловчи асосий омил эмас, чунки асосий омил ишлаб чиқариш салоҳияти бўлиб, даромадлар энг аввал шунга боғлиқдир.

Ўзбекистон шароитида ҳам аҳоли даромадларини ўсишига унинг мутлақ сони, ўсиш суръатлари, иқтисодий салоҳият ва уни ортиб бориши каби омиллар таъсир этади. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш аҳолининг ўсишидан

анча жадал кечади, бу эса жон бошига ҳисобланган пул даромадларини кўпайтиради. Иқтисодий ўсишнинг ўзи икки нарсага боғлиқ:

1) Ишловчилар сонига, бу бандликни билдиради;

2) Меҳнат унумдорлигига, бу ишловчи вақт бирлигида қанча товар ва хизматлар яратишини билдиради.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини ортиб бориши аҳоли сонини ўсишига қарамай пул даромадларини жадал ўсишини таъминлади (2.2.2.- жадвал).

2.2.2- жадвал

Ўзбекистонда аҳоли номинал пул даромадларининг ўсиши*

№	Кўрсаткичлар	2008	2010	2012
1	ЯИМ ҳажми, млрд. сўм (жорий нархларда)	38969,8	61831,2	66245,3
2	Аҳоли жон бошига ЯИМ, минг сўм	1427,3	2190,0	2560,0
3	Аҳолининг ялпи пул даромади, млрд. сўм	22894,2	40711,0	42512,0
4	Аҳолининг бир кишига ҳисобланган пул даромади, минг сўм	838,5	1404,5	1804,5

*Манба: Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2008. -Т.: 2009. стр. 70.; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12, 35.; Йиллик статистик тўплам. 2007.-Т.: 2008. 83-бет.; Йиллик статистик тўплам. 2008.-Т.: 2009. 28-бет; Альманах Ўзбекистон 2012. -Т.: 2013.25-бет.

Аҳоли пул даромадлари инфляция таъсирида ҳам ўсади. Аммо бу пул бирлиги харид қурбини қисқаришини билдиради, Ўзбекистонда амалга оширилган антиинфляцион тадбирлар инфляцияни пасайишига олиб келди. Инфляцияни ЯИМ дефляторига қараб баҳоласак, унинг суръати 2000-2012 йилларда 3,86 марта қисқарди. Инфляция туфайли нархлар умумий даражаси ортишига қарамай пул даромадларини бундан жадал ортиши туфайли аҳоли фаровонлигини ўсишига эришилди.

Демак, Ўзбекистондаги пул даромадларининг ўсиши энг аввал ноинфляцион омиллар ҳисобидан бўлади таъсирининг кучайиши кузатилади (2.2.3 - жадвал).

**Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари миқдорини
белгиловчи омиллар***


№	Кўрсаткичлар(%)	2008	2010	2012
1	ЯИМ ҳажмининг ўсиши	9,0	8,5	8,2
2	Аҳоли пул даромадларининг ўсиши	35,6	30,4	32,4
3	Аҳоли бандлигини ўсиши	2,8	2,6	3,1
4	Жорий нархларда ҳисобланган меҳнат унумдорлигининг ўсиши	1,34	1,21	1,31
5	Инфляция (дефлятор) даражаси	7,8	7,3	7,3

*Манба: Йиллик Статистик тўплам 2008. -Т.: 2009. 31-бет.; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12, 24.; Ўзбекистон Марказий Банки маълумотлари. Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень 2010. Т.: 2011. стр. 5; Альманах Ўзбекистон 2012. -Т.: 2013. 25-бет.

Иқтисодиётнинг ўсиши инфляциянинг пул қадрига таъсирини нейтраллаштирибгина қолмасдан реал даромадлар ўсишини таъминлади.

Иқтисодий фаровонлик умумлашган ҳолда, бир кишига тўғри келадиган реал даромадларда ифода этилади. Бу эса аҳолининг истеъмол салоҳиятини жорий эҳтиёжларни нақадар қондирилиши ва келажак учун қандай миқдордаги жамғариш ҳосил этилишини билдиради. Реал даромад жорий истеъмол ва жамғариш учун сарфланади. Шу сабабли фаровонликни фақат жорий истеъмол билан эмас, балки жамғариш ҳажми билан ҳам баҳолаш зарур.

Назарияда нархларнинг реал даромадга таъсирини истеъмолни ортиқча бўлиши ёки бўлмаслиги билан шарҳланади. Муайян нарх мавжуд бўлганда истеъмолчи маълум миқдордаги товарни олади, чунки унинг харид қурби шунга етади холос, чунки бунга нарх белгилайди. Истеъмолчи олиши мумкин бўлган, лекин бунга пули етмаган товарларни истеъмолнинг ортиқчалиги деб баҳоланади. Нарх пасайиб, товарлар қўшимча харид этилса, ортиқчалик йўқ бўлади. Бундай ҳодисани қуйидаги расм билан тавсифлаш мумкин.



Талаб (истеъмол миқдори)

2.2.2. - расм. Нарх ва истеъмолдаги ортиқчалик

Расмдаги вертикаль OP - нарх, горизонталь ON - умумий истеъмол миқдорини, p ва p_1 нархни билдиради. Нарх p бўлганда r h миқдорида истеъмол этилади, нарх p_1 бўлганда истеъмол r_1 h_1 бўлади. Демак, нархнинг пасайишига қараб истеъмол ортиб боради. Нарх пасайгани учун истеъмолчи ютуғи штрихланган учбурчакка тенг бўлади. Нарх ошса, истеъмолчининг ютуғи йўқ бўлади, чунки у товарни кам харид этади.

Маълумки, нархнинг мутлақ даражаси харид учун қанча пул кераклигини билдиради. Бу муайян нарх шароитида пул даромадига қанча товар ва хизматлар олиш мумкинлигини билдиради. Демак, нарх ошган ёки пасайган шароитда харид миқдори нархдан ташқари даромадга ҳам боғлиқ бўлади.

Аммо пул даромади ўз-ўзидан турмуш даражасини ўзгаришини билдирмайди, чунки у инфляциядан жадалроқ ўсганда турмуш фаровонлигининг ўсиши, аксинча эса пасайиши юз беради. Инфляция жамғаришга ҳам таъсир ўтказади. Шу боис нархлар индексини фаровонликка таъсири аниқланганда, уларнинг умумий даражасидаги ўзгаришларни назарда тутиш лозим, чунки инфляция нархларнинг умумий ўсиши

натижасида пул бирлиги қадри-қимматининг пасайишидир. Бас шундай экан, нархлар индекси таҳлил этилганда, уларнинг умумий даражасидаги ўзгаришлар ҳам назарда тутилиши лозим.

Сайланган истеъмол товарлари нархининг индексига келсак, унинг ҳам ўз ўрни бор. Унга таянган ҳолда, пул даромадларини индексациялаш мумкин бўлади. Бироқ бу истеъмол ва жамғаришни аниқлашга етарли бўлмайди. Бизнингча, энг аввал жорий нархлардаги ЯИМ таркибида пул даромадларининг хиссасини аниқлаш керак. Сўнгра ЯИМ қийматини базавий нархларда аниқлаб, ундаги даромад хиссасини ажратган ҳолда, реал даромадни аниқлаш мумкин. Айтилган усулда, бизнинг ҳисоблашимизга кўра, Ўзбекистонда аҳоли реал даромадлари ҳажми (2.2.4-жадвал) куйидагича ўзгарган.

2.2.4- жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг номинал ва реал даромадлари кўрсаткичлари*

№	Кўрсаткичлар	2010	2012
1	Ялпи ички маҳсулот қиймати:		
	а) жорий нархларда млрд. сўм	61831,2	66541,6
	б) таққосий нархларда млрд. сўм	6353,7	6672,3
2	Аҳолининг ялпи пул даромадлари		
	а) жорий нархларда, млрд.сўм	40711,0	42321,1
	б) таққосий нархларда, млрд. сўм	4180,7	4230,6
3	Аҳоли пул даромадидан берилган мажбурий тўлов ва бадаллар:		
	а) жорий нархларда, млрд. сўм	2890,5	2960,5
	б) таққосий нархларда, млрд. сўм	296,8	312,5
4	Аҳоли тасарруфига келган пул даромадлари:		
	а) жорий нархларда, млрд. сўм	37820,5	38610,4
	б) таққосий нархларда, млрд. сўм	3883,9	3912,6
5	Бир кишига ҳисобланган реал даромадлар, минг сўм	144,2	152,5

*Манба: Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12.; Йиллик Статистик тўплам 2010.-Т.: 2011, 28-бет. Альманах Ўзбекистон 2012. Т.: 2013, 28, 72-бетлар.

Келтирилган ҳисоб-китоблар кўрсатишича, реал даромадлар иқтисодий ўсиш билан бир хил ўзгармайди, чунки бу аҳолининг ўсишига ва ЯИМни жамғарилиш меъёрига ҳам боғлиқ бўлади. Кейинги вақтда реал даромадлар

динамикасига реал ЯИМ тез ўсгани ҳолда аҳоли ўсишининг секинлашуви ижобий таъсир этди.

Хориж инвестицияларининг реал даромадларга таъсири унинг таркибий тузилишига ҳам боғлиқ. Агар бевосита инвестициялар қанчалик кўп бўлса, миллий жамғарилиш шунчалик тежалиб, шу ҳисобидан аҳоли даромадлари ортиши юз беради. Шу жиҳатдан қаралганда, бевосита инвестицияларнинг аҳоли даромадига таъсири хориж кредитлари таъсирига нисбатан кучли бўлади, чунки булар кредит сингари ўз эгасига қайтариб берилмай, мамлакатнинг ўзида қолади, улардан фоиз ҳам ундирилмайди. Хориж кредитлари муҳлати тугагач, эгаларига фоизи билан қайтарилиши чоғида ЯИМдан чегирма сифатида олинади. Бевосита инвестицияларда бундай ҳолат кузатилмайди. Шу боис бевосита хориж инвестициялари даромадларни оширишда устуворликка эга. Ўзбекистонда 2012 йил хориж қўйилмаларининг 82,4 % бевосита инвестициялар бўлишини улкан ижобий ҳодиса деб баҳолаш зарур.

Хориж инвестицияларининг фаровонлик учун аҳамияти баҳоланганда, уларни ялпи инвестициялардаги ҳиссасини таққосий нархларда баҳолаш керак. Инвестицияларнинг ҳажмини истеъмол фонди ва аҳоли реал даромадларини ўсиши жиҳатидан қаралса, уларнинг фаровонликка қўшган ҳиссаси ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Хориж инвестицияларининг фаровонлик учун аҳамияти шундаки, улар биринчидан, миллий инвестициялар салмоғини қисқартириш ҳисобидан истеъмол фондини кўпайтиради ҳамда инновацион характерга эга бўлганидан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан аҳоли реал даромадини оширади. Аммо бундан миллий инвестициялар иккиламчи деган хулоса қилиш мумкин эмас, чунки улар даромадларни оширишнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

Инвестициялар фаровонликка бандлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва миллий жамғаришни тежаш билан ҳисса қўшади. Бироқ, Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги ҳали юқори эмас, шу сабабли бу

даромадларнинг миқдорини чегаралаб туриши табиий. Масалан, Жаҳон банки маълумотлари асосида ҳисобланганда 2012 йил Ўзбекистонда банд бўлган ҳар бир киши ЯИМда 7940 долларлик (валюталар харид паритетига биноан) товар ва хизматлар яратган, шунга боғлиқ ҳолда, жон бошига ҳисобланган жами даромад 3271 долларни ташкил этган. Бу жаҳон даражасида юқори кўрсаткич эмас. Шу сабабли меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш лозим, чунки 2000-2012 йиллар оралиғида Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги унинг ўртача бир йиллик ўсиши 1,3 %ни ташкил этди.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг бандлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсиши 2000-2012 йилларда жон бошига ҳисобланган реал даромадни 67,6%га ортишига олиб келди. Меҳнат унумдорлиги бандлар сонидан анча тез ўсгани туфайли, унинг аҳоли даромадларини ортишидаги роли кучайиб бормоқда.

Ҳозир, биз аниқлашимизча, меҳнат унумдорлигининг 1,0%га ўсиши жон бошига реал даромадларни %га оширади. Хориж инвестициялари жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатни истеъмол фойдасига ўзгартириш билан ҳам фаровонликни ўсишига хисса қўшади. Шу ўринда бевосита хориж инвестициялари устуворликка эга, чунки булар хориж кредитларидан фарқлироқ ЯИМдан чегирма ҳосил этмайди, аксинча ундаги истеъмол фонди хиссасини оширади.

2.3. Аҳоли истеъмолининг ўсиши ва таркибий янгиланиши ҳолати

Иқтисодий фаровонликни ўсиши аҳоли истеъмолини ортиб боришини ва уни таркибан янгиланиб туришини билдиради. Шу сабабли яратилган товарлар ва хизматларнинг асосий қисми истеъмол фондига юборилади. Ўз вақтида Д.Рикардо ишчилар умумий истеъмолига юбориладиган

маблағларни ишчи фонди⁵⁰ деб атади. Д.С.Милль йиллик иш ҳақи сарфини иш ҳақи фонди⁵¹ бўлишини айтиб ўтди. Дж.М.Кейнс аҳоли истеъмоли ҳажмини истеъмол фонди⁵² орқали тавсифлади. Ҳозирги назарияда ҳам истеъмол фондига қараб, жамият фаровонлиги баҳоланади. Турли қарашларни таҳлил этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, истеъмол фонди - бу жамият аъзоларининг жорий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган товар ва хизматлар массасининг бозор қиймати бўлиб, ишлатиладиган ЯИМнинг асосий қисмини ташкил этади. Унинг бундан сўнг қолган қисми жамғариш бўлади. Истеъмол ва жамғаришда зиддиятлик бор, чунки ЯИМнинг ҳажми доимо чекланган бўлиб, истеъмолнинг ортиши жамғаришни, жамғаришни ортиши эса истеъмолни қисқартиради. П.Самуэльсон шу хусусида қуйидагиларни ёзади: “Агар сиз капитал жамғариш суръатларини оширишни хоҳласангиз жорий истеъмолни қисқартиришингиз керак”⁵³. Айтилган икки қисм муқобил бўлганда иқтисодий барқарор ўсиб, халқ истеъмоли ҳам ортиб боради.

Иқтисодий фаровонликни халқ истеъмолининг миқдори ва сифати белгилашини дунё тажрибаси тасдиқлайди, аммо шунга қарамай айрим илмий ишларда истеъмолни менсимаслик, турмуш даражасини истеъмол нуқтаи назаридан баҳолашни танқид этиш⁵⁴ ҳоллари учраб туради.

Аҳоли истеъмоли ҳақида сўз юритилганда, унинг функциясини эътибордан қочириб бўлмайди. Бу функциялар қуйидагича:

1. Ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш. Бунга товар ва хизматларни ишлатиш орқали эришилади. Шуни назарда тутиб, А.Маршалл истеъмолни бойликни, яъни яратилган товар ва хизматларни йўқотилиб юборилиши⁵⁵ сифатида қараган;

⁵⁰ Д.Рикардо. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное, -М.: Эксмо.2009, стр.131.

⁵¹ М.Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. -М.: 1994, стр. 175

⁵² Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. -М.: Эксмо 2009, стр. 112.

⁵³ П.Самуэльсон. Экономика. Т.2, -М.: 1992, стр. 209.

⁵⁴ С.Л.Алибекова. Формирование и факторы роста уровня жизни населения Узбекистана. Специальность 08.00.01 - “Экономическая теория”. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Т.: 2003, стр. 7.

⁵⁵ А.Маршалл. Основы экономической науки. -М.: Эксмо. 2008, стр. 139.

2. Макроиктисодий айланма ҳаракатни якунлаш, такрор ишлаб чиқариш учун бозор яратиш;

3. Иш кучини такроран яратишга хизмат қилиш, яъни кишиларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини тиклабгина қолмай, уларни ўстириш.

Ҳар қандай жамиятда истеъмол ишлаб чиқариш чегарасида бўлади, чунки ишлаб чиқарилганидан ортиқча истеъмол этилиши мумкин эмас, бу қонуниятдир. Аммо истеъмолни сунъий равишда чеклаб ҳам бўлмайди, чунки унинг ортиши ички бозорни кенгайтишини билдиради. Бу эса, ишлаб чиқариш ўсишига олиб келади. Дж.М.Кейнс жамғариш парадокси истеъмолни чеклаб, жами талабни қисқартириши мумкинлигини айтиб ўтди. Унинг фикрига кўра, истеъмол шундай меъёрга бўлиши керакки, бу биринчидан жами талабни, бинобарин миллий бозорни кенгайтишини иккинчидан етарлича жамғариш ҳосил этилишини таъминлаши керак бўлади.

Аҳоли истеъмоли ҳажми ва таркибини иқтисодий салоҳиятдан ташқари қатор этнодемографик омиллар ҳам белгилайди, чунки улар эҳтиёжларга таъсир этади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолини ўсиши. Бу истеъмолчилар сони ортиб боришини билдиради. Истеъмолчилар сони ошган сари истеъмол фонди ҳам ошиб боради. Ўзбекистон аҳолисининг ўсишида шундай ҳодиса кузатилади. 2000 йил аҳоли 352,4 минг кишига кўпайган бўлса, 2010 йил бу кўрсаткич 457,5 минг кишини ташкил этди. 2012 йил аҳоли 1,7% ўсгани ҳолда, ЯИМ 8,2%га ўсди;

2. Аҳолининг ҳаракатланиши. Эмиграция муайян мамлакатда истеъмолчилар сонини ортишини билдирса, миграция унинг қисқаришини билдиради. Муайян ишлаб чиқариш даражасида бу жон бошига истеъмолни ўзгартиради;

3. Аҳолининг таркиби. Ёшлар истеъмоли модернизациялашади, чунки улар истеъмолдаги янгиликни тез қабул қилишади. Қариялар истеъмоли консерватив бўлиб, шаклланган кўникмаларга биноан юзага келади. Ўзбекистон аҳолисининг ёш бўлиши истеъмолдаги прогрессив силжишларни юзага чиқарадики, бу замонавий товарлар ва хизматлар истеъмолига

устуворлик беради. Болалар истеъмоли миқдоран кичик бўлсада, таркибан ўзига хос хусусиятларга эга. Бир қатор мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, 14 ёшгача бўлган бир боланинг истеъмоли оила истеъмол сарфини 12-15%га оширади. Агар оилада болалар қанчалик кўп бўлса, оиланинг истеъмол харажатлари шунчалик ошади, агар унинг даромадлари ўзгармай қолса, жон бошига истеъмол ҳажми ҳатто қисқаради. Болалар истеъмолининг қимматлашиб бориши туғилишни пасайиш сабабларидан биридир;

4. Аҳоли эришган истеъмол маданиятининг даражаси. Истеъмол маданияти бу - товар ва хизматларни кишиларни шахс сифатида баркамол бўлиши учун юборилишидир. Истеъмол маданияти юқори жойда оқилона истеъмол ҳукм суради. Юқори истеъмол маданияти бойликни истеъмол орқали намоиш этишни чеклайди, истеъмолдаги камтарликни шакллантиради. Бу маданият паст ерда ноўрин анъанавий истеъмол сақланиб, истеъмолдаги исрофгарчиликка йўл қўйилади. Ўзбекистонда ҳам аҳоли истеъмол маданиятининг юксалиши кузатилсада, унинг даражаси ҳали паст, унда замонавий истеъмол кўникмалари анъанавий истеъмол одатлари билан чирмашиб кетган;

5. Тарихий шаклланган урф-одатлар ва истеъмолдаги этник хусусиятлар. Булар кишилар истеъмолини фарқлантиради. Айниқса, бу халқ кўп миллатли мамлакатларда кўзга ташланади, бу ерда истеъмолдаги миллий хусусиятлар бир-бирини тўлдириб боради. Ўзбекистон шароитида осийча истеъмол европача истеъмол билан қўшилиб боради, яъни истеъмолдаги миллийлик, тобора байналминал белгиларга эга бўлади;

6. Иқтисодиёт юксалиш босқичида бўлганда товар ва хизматлар кўплаб истеъмол этилади, иқтисодиёт рецессия ҳолатида истеъмол қисқаради.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги ўсишининг асосий омили иқтисодий юксалишдир. Унинг барқарор ва юксак суръатлар билан ўсиши, халқ истеъмолига ижобий динамика беради

2.3.1- жадвал

Ўзбекистонда аҳоли истеъмолига таъсир этувчи омилларнинг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан, %)*

№	Кўрсаткичлар	2000	2002	2004	2006	2008	2010
1	Реал ЯИМ	103,8	104,0	107,4	107,5	109,0	108,5
2	Аҳолининг ўсиши	101,3	101,2	101,2	101,3	101,7	101,7
3	Жамғариш нормаси	1,13	1,06	1,18	1,02	- 1,03	- 1,09
4	Жон бошига истеъмол	1,01	1,03	- 1,05	1,04	1,18	1,20

*Манба: Йиллик Статистик тўплам 2008. -Т.: 2009, 31-бет. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12.;

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, истеъмолга аҳолининг ўсишига нисбатан ЯИМ ўсиши ва жамғариш нормаси кучли таъсир этган. Айниқса, бу сўнгги вақтда яққол кузатилди, чунки ЯИМ тез ўсгани ҳолда, жамғариш нормасининг ўзгариши манфий бўлган, натижада истеъмолга юборилган ресурслар жон бошига кўпайган. Маълумотлар кўрсатишича, аҳолининг ўсиш суръатлари барқарор бўлган шароитда истеъмол ЯИМ ўсишига нисбатан тўғри мутаносибликда, жамғариш нормасига нисбатан тескари мутаносибликда бўлган. Бундай қонуният айрим йилларда эмас, балки узок даврда кузатилади, чунки истеъмол ҳажми илгариги жамғармалар ҳисобидан ҳам кўпайиши мумкин.


Фаровонлик нуқтаи назаридан истеъмол фондининг ҳажми муҳим бўлсада, унинг таркиби ҳам аҳамиятли, албатта. Бизнингча, истеъмол таркиби таҳлилига истеъмол ресурсларининг манбаси ва истеъмолнинг шакли жиҳатдан ёндашиш лозим. Шундай қаралганда истеъмолнинг индивидуал ва жамоавий шакли фарқлантирилади. Индивидуал истеъмол пул даромадларига товар ва хизматларни бозордан сотиб олиш орқали хонадонда бўладиган истеъмолдир. Жамоавий истеъмол - бу давлат ҳисобидан яратилган ижтимоий неъматларни бепул истеъмол этишдир.

Индивидуал ва жамоавий истеъмолнинг нисбатини турли омиллар шакллантиради. Булар жамиятнинг иқтисодий салоҳияти, мамлакатнинг ривожланиш моделида давлат зиммасига тушадиган ижтимоий мажбуриятлар миқёси ва ниҳоят, аҳолининг демографик таркибидир.


Истеъмол тадқиқ этилганда даромаднинг таркиби ва шаклини эътибордан қочириш мумкин эмас, чунки бу истеъмол табиатининг тавсифи учун катта аҳамиятга эга. Истеъмолнинг манбаи биринчидан, ЯИМ бўлса, иккинчидан илгари жамғарилган ва ҳозирги истеъмолга хизмат қилувчи миллий бойлик, учинчидан ички ва ташқи кредитлардир.

Истеъмол фондининг миқдори чегараланган бўлганидан индивидуал истеъмолни ортиши жамоа бўлиб истеъмол этишни қисқартиради ва, аксинча. Уларнинг нисбати турли мамлакатларда ҳар хил шаклланади. Ер юзида ҳозир (2006) истеъмолнинг 78,0% индивидуал бўлса, 22,0% жамоавийдир. Бир қатор мамлакатларда жамоавий истеъмол хиссаси катта бўлса, бошқа ерда у кичикдир. Бу кўрсаткичнинг юқори ёки паст бўлиши ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва бизнес турлича иштирок этишидан келиб чиқади. Ўзбекистон давлати ижтимоий фаол бўлганидан, бу ерда жамоавий истеъмолнинг роли каттадир.

Истеъмол таркибининг яна бир жиҳати унинг моддий ва номоддий бўлишидир. Моддий истеъмол бу моддий маҳсулотлар истеъмоли бўлса, номоддий истеъмол турли хизматлар истеъмолидан иборат. Ф.Энгель истеъмолга доир статистик маълумотлар таҳлилидан хулоса чиқардики, истеъмолга хос қонун бор. “Энгель қонуни”га кўра, аҳоли даромади ошгани сари унинг истеъмолида ноозик-овқат товарлар ва хизматлар истеъмоли кўпроқ ўрин эгаллайди. Аммо, Ф.Менгель бу ўзгаришларни иқтисодиёт тараққиётини ва эҳтиёжлар юксалишини ҳисобга олиб таҳлил этишни тавсия қилган. Шунинг назарда тутсак, Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги истеъмолига хос нарсаси сифатли озиқ-овқат, замонавий ноозик-овқат товарлари, бўш вақтни оширувчи товарлар шунингдек инсон шахсини камол топишига хизмат қилувчи ижтимоий хизматлар истеъмоли бўлишини қайд этиш лозим. Бироқ, булар алоҳида эмас, балки маҳсус товарлар комбинацияси асосида истеъмол этилади.



2.3.1.a – расм. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари истеъмолидаги силжишлар.



2.3.1.b – расм. Ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлари истеъмолидаги силжишлар

2.3.1.a – расмдаги ОА вертикал чизик озиқ-овқат истеъмолини, ОВ горизонтал чизик ноозиқ-овқат товарлари истеъмолини англатади. Бу ердаги контурли Z кесик чизикда 5 бирлик озиқ-овқат истеъмолига шунча ноозиқ-овқат товари тўғри келган. Бу ерда ҳар икки гуруҳ истеъмолининг нисбати 1:1. К контурли чизик 8 бирлик озиқ-овқат истеъмолига 2 бирлик ноозиқ-овқат товарлари истеъмол этилганлигини билдиради. Бу ердаги нисбат 4:1. Ниҳоят М кесик чизик 3 бирлик озиқ-овқат истеъмолига 7 бирлик ноозиқ-

овқат товарлари истеъмол этилганлигини билдиради. Бу ердаги нисбат 1:2,33 бўлади.

Худди айтилган тақлидда **2.3.1.b** – расмдаги истеъмол нисбатини кўриб чиқиш мумкин. Бу ерда CD вертикал чизик хизматлар истеъмолини, SE горизонтал чизик ноозик-овқат товарлари истеъмолини билдиради. Чизмада кўрсатилишича, N чизикдаги истеъмол комбинациясида хизматлар истеъмоли устуворликка эга. Бу ерда 8:2 ёки 4:1 нисбати мавжуд. P чизикда нисбат 6:4 ёки 1,5:1,0 ва ниҳоят, B чизикда 10:5 ёки 2:1 нисбати мавжуд. Ҳар иккала чизмада ҳам айтилган товарлар истеъмоли сақланган, улардан ҳеч бирининг истеъмоли ноллашган эмас. Комбинацияларда турли нисбатларнинг бўлиши шундан гувоҳлик берадики, булар истеъмолни максимумлаштириш коидасига бўйсунди. Иқтисодиётда шундай қоида борки, истеъмол ҳажми ўсиши билан истеъмол этиладиган товар ва хизматлар таркиби ўзгариб, жами истеъмолда моддий маҳсулотлар хиссаси камайгани ҳолда, хизматлар истеъмоли хиссаси ортиб боради.

Истеъмол таркибининг ўзгариши фақат умумий бўлмай, унинг ҳар бир турига ҳам хосдир. Бу ерда сифати паст товарлар истеъмолидан сифати юқори товарлар истеъмолига ўтиш юз беради. Ўзбекистон аҳолиси истеъмолига хос муҳим белги - бу турли хизматлар истеъмоли жадал ўсишидир. Бироқ улар истеъмол қиймат шаклининг жадал ўсиши, энг аввал коммунал хизматлар ҳисобидан бўлади. Биринчидан, улар истеъмоли ортса, иккинчидан улар нархи тез ошиб туради.

Хизматлар истеъмолидаги муҳим ижобий силжишлар унинг таркибида ижтимоий хизматлар ролини ортиши бўлиб, бу аҳоли даромади ошиб, у пулли хизматларни сотиб олишга қурби етишининг аломатидир. Аммо аҳоли истеъмолида давлатнинг бепул хизматлари устуворлиги сақланиб қолади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, 2010 йил Ўзбекистонда жами ижтимоий хизматлар истеъмолида бепул жамоавий истеъмол 89,6%, пулли хусусий истеъмол 10,4% бўлди. Бу ижтимоий неъматлар истеъмолини давлат кафолатлашини билдиради.

Истеъмолни таъминлашда Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш устуворликка эга. Муҳими шундаки, мамлакатда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ЯИМ ўсишидан жадалроқ борди. Бу товарлар бозорини тўлдириб, дефицитга чек қўйди, импортни ўрнини босди. Агар 2000 йил озиқ-овқат импортининг ҳажми 361,1 млн. доллар бўлган бўлса, 2005 йил млн. долларни, 2010 йил - 221,3 долларни ташкил этди. Собиқ Иттифок даврида истеъмол бозоридаги ўткир дефицит эҳтиёжни қондириш учун излаб товар топишни биринчи ўринга чиқарган. Ҳозирги тадқиқотлар кўрсатишича, истеъмол бозоридаги тўкинчилик ишлаб пул топишни афзал қилиб қўйди. Товарлар бозорининг кенгайиб бориши истеъмол ҳажмини оширибгина қолмай, ундаги сифат ўзгаришларини юзага келтирди. Ўзбекистон аҳолиси истеъмолидаги прогрессив силжишлар унинг таркибидан кўриниб туради. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кам тўйимли ва сифатсиз озиқ-овқат истеъмолидан оқсиллар, ёғ ва витаминларга бой маҳсулотлар истеъмолига ўтилади;

2. Замонавий модалар талабига жавоб берувчи кийим-кечак истеъмоли устуворликка эга бўлади;

3. Кишиларнинг маданий ҳаёт кечирishiни таъминловчи, уй турмушида комфорт яратиш, уларнинг оғирини енгил килувчи товарлар истеъмоли кенгайиб боради;

4. Истеъмол вақтини тежаб бўш вақтни кўпайтиришга имкон берувчи товарлар истеъмоли ортиб боради.

Кишиларнинг вақти уч қисмга бўлинади:

1. Иш вақти, яъни пул топиш вақти;
2. Истеъмолни қондириш вақти;
3. Бўш вақт.

Биринчи ва иккинчи турдаги вақтни бозор вақти, учинчи вақтни нобозор вақти деб ҳам айтиш мумкин. Бўш вақт кўпайиши кишиларнинг камол топишига хизмат қилади. Истеъмол вақтини тежаб бўш вақтни оширишга интилиши пулдор истеъмолчиларда кўпроқ учрайди, чунки улар учун

вақтнинг қадри-қиймати юқори ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам пулдор истеъмолчиларнинг кўпайиб бориши истеъмол вақтини тежашга бўлган интилишни кучайтиради. Шу сабабли кишилар истеъмолида вақтини тежовчи, уй-юмушларини қисқартирувчи товарлар истеъмоли кўпайиб боради. Бунга мисол қилиб уйдан ташқарида овқатланиш, озиқ-овқатга буюртма бериш, ярим тайёр маҳсулотларни олиш, газламапар ўрнига тайёр кийим-кечакларни харид этиш, оиладаги юмушни енгиллаштирувчи электрон ва электр-хўжалик товарларини истеъмол этиш кабиларни олиш мумкин. Шу ўринда уйдан ташқарида овқатланишни алоҳида кўрсатиш зарур. Бу, биринчидан, индивидуал даромадларни ўсишини билдиради. Иккинчидан, турли маросимларни уйдан ташқарида (тўйхона, ресторан ва кафеларда) ўтказиш билан боғлиқдир.

Кейинги 10 йилда уйдан ташқарида овқатланишнинг оила истеъмол харажатларидаги ҳиссаси икки мартадан зиёд ошди, аммо унинг ҳажми ҳозирчалик катта эмас, буни эса даромадлар чеклаб туради.

Аҳоли уй-жой шароитининг яхшиланиши шундаки, аҳоли биринчидан, ўз бошпанасига эга бўлди, иккинчидан, уй-жойнинг сифати ошди, бу ҳақда турар жой сатҳи қийматининг ўсиши далолат беради, учинчидан, аҳолининг пул даромади ва кредит ҳисобидан якка тартибда уй-жой қурилиши кенгайтирилди. Кейинги вақтда аҳоли жон бошига истеъмол этилган электроэнергия, иссиқлик қуввати, ичимлик суви ва газ миқдорини ўсиши кузатиладики, бу аҳоли уй турмушидаги қулайликларни билдиради.

Юқорида айтилганлардан хулоса чиқарсак, ҳозирги вақтда аҳоли истеъмолининг ўсиши ва таркибининг мукаммалашуви кузатилади. Бу жараёнлар илмий жиҳатдан баҳоланганда истеъмол ҳажмидан ташқари унинг таркибини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки бу аҳоли реал истеъмолини тавсифлайди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда.

Иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамойилларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган. Иқтисодий фаровонлик истеъмол этилган товарлар ва хизматларнинг миқдори, сифати ҳамда аҳоли жамғариши билан тавсифланади. Истеъмол таркибининг ғоят мураккаб бўлиши, буни моддий буюм шаклида баҳолаш имконини бермайди, яъни шундай йўл билан амалдаги истеъмолни баҳолаб бўлмайди. Бу ерда истеъмолнинг пул қиймат шакли кўл келади ва буни реал даромад ифодалайди.

Реал даромад хусусида турли назарий қарашлар халқ истеъмоли товарлашган истеъмол бўлишидан, яъни эҳтиёжини қондириш учун пул даромадларини бозорда, у ерда шаклланган нархларга биноан товар ва хизматларга айирбошлаш орқали юз беришидан келиб чиқади.

III -БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИ- ГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСА- ТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Давлат томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровон- лигини ошириш ва имкониятлари кенгайтирилиши

Бозор муносабатлари асосланган иқтисодий ислохотлар олиб бораётган ҳар бир давлатда ижтимоий барқарорликка эришиш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг муқобил йўли аҳоли бандликни яхшилашдир. Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан қўшиб қаралганда, жамият ривожланишининг асосий мезонлари бири деб саналиши керак. Ушбу мезонлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гурҳларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш, турмуш сифати ва даромадлар даражасини ошириш йўллари белгилаб беради. Ҳаёт муҳим муаммолардан бири, иш билан бандлик муммоларини ҳал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти сифатида бу муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этади.

Аввалабор, мамлакатимиз меҳнат бозоридаги умумий аҳволга назар солиб ўтсак. Маълумки меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи талабга нисбатан устун. Ҳар йили меҳнат бозорига тахминан 250 минг кишининг чиқиши, сўнгги йилларда иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари, асосан ширкат хўжаликларини тугатиш натижасида, аграр сектордан ишчи кучининг (яқин 2-3 йил давомида йилига 160 минг киши атрофида) бўшатилиши натижасида бундай вазият юзага келди. Фермер хўжаликлари ширкат хўжаликларининг ишдан бўшатишдан ходимларидан фақат 25 фоизини доимий иш билан таъминлаш мумкин, қолган ходимларга эса фермер хўжаликлари кўпи билан рўйхатга олинмаган бир марталик ёки мавсумий ишларни таклиф қилиши мумкин. Шу билан бир пайтда фермер хўжаликларида янги доимий иш ўринларини ташкил этиш ҳам қисқарди,

фермер хўжаликларини механизациялашнинг ўсиши билан қўшимча равишда кучини ишдан бўшатиш кутилмоқда, бу қишлоқ аҳолисининг

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон аҳоли бандлиги ва унинг таркиби динамикаси (фоиз ҳисобида)⁵⁶

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012
Иқтисодий фаол (меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши сифатида)	71,6	71	74,6
Бандлар	68,8	68,5	70,8
Ишсизлар	2,8	2,5	3,8
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	28,4	29	26,9
Шундан иш қидиришда ҳафсаласи пир бўлган шахслар	1,6	9,9	6,7
Норасмий секторда банд бўлганлар сони (банд бўлганлар улуши сифатида)	48	51	44,8
Шундан рўйхатга олинмаган якка тартибдаги тадбиркор	6,9	3,8	5,2
Дқон хўжаликларида банд бўлганлар	27,7	25,5	29,4
Рўйхатга олинмаган тадбиркорлар	22,8	25	24,2
Мавсумий, бир марталик ва вақтинчалик ишларда банд бўлганлар	21,2	33,5	26,9
Меҳнати учун пул тўланмайдиган оила аъзолари	21,4	12,2	14,3

иқтисосини ўзгартириш, ўқитиш ва вақтинча ижтимоий ёрдам ажратиш муаммосини долзарб қилиб қўяди).

Таъкидланган масалалар қисман кичик корхоналарда янги иш ўринларини яратиш ҳисобига ҳал этилмоқда. 2010-2012 йиллар давомида норасмий секторда бандлик улуши 17 %га ўсди. Норасмий секторда маълум маънода бандликнинг таъминланишига қарамай, у ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмайди. Натижада, ходимлар ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олинмай қолади (масалан, нафақа ҳуқуқи, касаллик ва декрет таътили). Норасмий секторда тақлиф этилаётган иш ўринларининг “сифати” ҳам ёмонлашмоқда: бир марталик ва мавсумий ишлар улушининг ўсиши кузатилди, бу ходимлар ҳимояланганлик даражаси пастлиги назарда тутади.

Норасмий бандликни янада қисқартириш ва амалдаги бандликни қонунлаштириш рағбатлантириш, айниқса, ўз фаолиятини бошлаётган кичик

⁵⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги маълумотлари

бизнес субъектлари орасида муҳим омил ҳисобланади. Меҳнат бозорида мавжуд муаммолари муҳокама қилишда, шунингдек, кўп меҳнат талабқилувчи тармоқ ва корхоналарнинг устувор ривожланиши, айниқса, қишлоқ жойларда ишчи кучининг ҳудудий ва секторал ҳаракатчанлигининг ўсиши, меҳнат ресурсларининг қонуний ва ижтимоий ҳимояланган экспорти йўли билан бандликни ошириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш каби омилларни қайд этиб ўтиш жоиз.

Аҳолининг тадбиркорлик даромадларини олиш учун уй хўжаликлари активлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари. Аҳолининг турмуш даражаси кўп жихатдан уй хўжаликларининг жамғарилган активлари ва омилларнинг жорий даромадларига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон учун оилаларнинг 98 фоизи жорий моддий ҳолатидан қатъий назар, ўзларининг хусусий мулкида шахсий турар-жойларига эга. Оилаларнинг катта қисми, жумладан, қишлоқ жойларида жойлашган кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса – 96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

2003 йилнинг ноябрида иқтисодий тадқиқотларда Маркази томонидан ўтказилган уй хўжаликларининг жамғарилган активлари ва оилаларнинг жорий даромадларига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон учун оилаларнинг 98 фоизи моддий ҳолатидан қатъий назар, ўзларининг хусусий мулкида шахсий турар жойларига эга. Оилаларнинг катта қисми, жумладан, қишлоқ жойлашган кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса – 96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдиладиган томорқа ерларига эга.

2011 йилнинг ноябрида иқтисодий тадқиқотлар Маркази томонидан ўтказилган уй хўжаликлари активларидан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш жараёнида, бугунги кунда уй хўжаликлари томонидан тўпланган активларнинг ўртача қиймати битта оилага 6,4 минг АҚШ долларини ёки мамлакат миёсида 35 млрд. АҚШ долларини ташкил этишни аниқланди.

Уй хўжаликлари активлари таркибининг 80%ини асосан хусусий мулкда шахсий турар-жойлар ташкил қилади. Таъкидланган тадқиқотларга кўра, кейинги 2,5 йилдаги олинган баҳолашларга кўра, турар-жойларининг бозор қиймати республика бўйича шаҳарларда 3 баробардан ортиқ, қишлоқ жойларида эса ўртача 2,5 баробарга ўсган. Шундай қилиб, 2011 йилнинг бошида уй хўжаликлари активларининг умумий қийматини 80 млрд. АҚШ долларига ёки ўртача ҳар битта оилага 14,5 минг АҚШ долларига тенг деб баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, кўрсатилган активлардан тадбиркорлик орқали даромадлар олишда фақат 4,1 фоизга фойдаланилади, бу эса оилаларнинг тадбиркорликдан оладиган даромадларидан ўсишида учун катта ва ҳали фойдаланилаётган салоҳияти мавжудлигидан далолат беради. Тадқиқ этилган оилалар ўртасида уй хўжаликлари ресурслари асосида оилавий бизнесни ташкил қилиш истагида бўлганлар бу ишни амалга ошириб бўлганлар бу ишни амалга ошириб бўлганлар сонидан камида 2 марта кўпчилиқни ташкил этган. Уй хўжаликларига ўз активларини тўлиқ ишга туширишга имкон бермаётган омиллар орасида бир неча сабабларни кўрсатиш мумкин, улардан энг муҳими иқтисодий сабаблардир. Хусусий тадбиркорлик билан оилаларнинг фақат 25 фоизи шуғулланишини эътиборга оладиган бўлсак ҳам, шундан 20 фоизи бунинг учун керакли молиявий ресурсларга эга эмас, маълумотларга кўрабошланғич заём капиталга бўлган эҳтиёж 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Уй хўжаликлари ресурсларини сафарбар этишда, пул қўйилмаларидан ташқари инвестициялаш учун қулай шароитларни ҳам талаб қилади. Уй хўжаликлари асосида иқтисодий фаолиятидан воз кечишининг сабаблари жумласига, шунингдек ноиқтисодий характердаги, биринчи навбатда, қонунчилик, институционал ва маъмурий омиллар ҳам киради. Қонунчилик характердаги муаммолар шу билан асосланадики, қонунчиликда белгиланган хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларининг кафолатлари доим ҳам уларни амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган.

Маъмурий тўсиқларнинг асосий манбаси қуйидагилар ҳисобланади:

1. рухсат бериш жараёнларининг, жумладан, ер майдонларига эга бўлишни чеклаш бўйича, кўплиги;
2. маъмурий қоида ва кўрсатмаларнинг тез-тез ўзгариши;
3. маъмурий қоида ва меъёрларни ифодалашда уларни ҳар хил талқин қилишга йўл қўювчи ноаниқликлар.

Кейинги йилларда аҳолининг жорий даромадларини ўсиши билан, оилаларнинг узок муддатларда фойдаланиладиган айрим товар турлари билан таъминланганлик даражаси ҳам ўсмоқда. Шу билан бирга, оилаларнинг узок муддатларда фойдаланиладиган айрим товар турлари билан таъминланганлик даражаси кўп жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичларидан ортда қолади ва аҳолининг даромадлари ўсиши борасида катта ўсишсалоҳиятига эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси даромадлар бўйича камбағаллик тавсифи ва давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати. Жаҳон банки томонидан 2011 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш маълумотлари асосида мамлакатда кам таъминланганлик даражаси 2011 йилда 27,5 фоизни ёки 6,8 млн. кишини ташкил қилган. Таҳлил натижаларига кўра, 2010-2012 йилларда кам таъминланганлик даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилганлигини кўрсатади (мос сравишда 27,5 фоиздан 25,8 фоизгача).

Бу кўрсаткич пасайиши асосан шаҳарларда кузатилиб, кам таъминланганлик даражаси 22,5 фоиздан 18,3 фоизга камайган. Шу билан бирга, агар 2011 йилда шаҳар ва қишлоқ жойларида кам таъминланганлик даражаси ўртасидаги тафовут 8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизга тенг бўлди. Қишлоқ аҳолиси мамлакат аҳолиси умумий сонининг 64,4 фоизини ташкил қилади, бироқ қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган кам таъминланган аҳоли ушбу тоифадаги аҳолининг 74,7фоизини ташкил этади.

3.1.2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2012 йилда кам таъминланганликнинг ҳудудий тақсимоти⁵⁷

	Кам таъминланганлик даражаси, %	Барча аҳоли, %	Кам таъминланган аҳоли улуши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	44,0	5,1	8,7
Андижон	23,1	9,5	8,5
Бухоро	20,8	6,4	5,1
Жиззах	29,6	3,7	4,3
Қашқадарё	41,0	8,5	13,5
Навоий	26,3	2,9	3,0
Наманган	33,4	7,9	10,2
Самарқанд	23,9	11,2	10,4
Сурхондарё	34,6	7,3	9,8
Сирдарё	32,6	2,4	3,0
Тошкент вилояти	20,4	10,1	8,0
Фарғона	15,8	11,6	7,1
Хоразм	31,0	5,1	6,1
Тошкент шаҳри	6,7	8,2	2,1

Минтақалар ўртасида камбағал аҳолининг географик тақсимотида, шунингдек, Тошкент шаҳри ва мамлакатнинг бошқа минтақалари ўртасида кам таъминланганлик хавфининг тафовути юқорилиги кузатилди. Кам таъминланганликнинг кескин юқори хавфи Қорақалпоғистон Республикасида (44 фоиз), энг кичик хавфи эса Тошкент шаҳрида (6,7 фоиз) кузатилди. Фарғонда кам таъминланганлик хавфи энг паст вилоят ҳисобланади – 15,8 фоиз (Тошкент шаҳрини истисно қилганда).

Таҳлилнинг кўрсатишича, аҳоли даромадларининг пастлиги ва камбағалликнинг тарқалиши қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ:

Биринчидан, оила таркиби ва ундаги боқимандалар, аввало болалар сони билан боғлиқ. 2010-2012 йиллардаги маълумотларнинг таҳлил

⁵⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

натижаларига кўра, 2-3 та боқимандали ва болали оилалар кам таъминланганлик хавфи кўпроқ дучор бўлган. Қишлоқ жойларидаги уй хўжаликларида ўртача 4-5 ва ундан кўп болали бўлишлиги сабабли, кам таъминланганларга мойиллик эҳтимоли юқори бўлган. 2012 йилда кам таъминланган оилаларнинг ўртача ҳажми 6,5 кишини, таъминланган оилалар эса – 4,46 кишини ташкил этган. Кам таъминланган уй хўжаликларида ўртача боқимандалик даражаси 0,81ни, таъминланган оилаларда эса 0,73ни ташкил этган. Кам таъминланган оилаларда (3,6) меҳнатга лаётқатли ёшдаги оила аъзолари сони таъминланган оилаларга нисбатан кўпроқ (2,7)бўлган. Шу билан бирга, кейинги йилларда кузатилаётган туғилиш даражасининг пасайиш тенденцияси, жумладан, қишлоқ жойларида таъкидланган муаммолар режалаштираётган 2-3 болали оилаларда маълум маънода ҳал этилмоқда. Айни вақтда, давлат, болаларга таълим ва соғлиқни сақлаш бўйича бепул хизматлар кўрсатиш билан бирга кўп болали кам таъминланган оилаларга тўғридан-тўғри моддий ёрдам кўрсатилиши давом эттирмоқда, бу эса уларнинг мулкый имонкиятларини янада мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, оила бошлиғининг маълумот даражаси унинг аъзолари моддий таъминотида асосий омил ҳисобланади. Уй хўжаликларида оила бошлиғининг маълумот даражаси ўрта-махсус касб маълумотидан паст бўлганда кам таъминланганлик хавфи юқорилиги кузатилган. Кам таъминланган оилалар ўртасида фақат 8,8 фоиз оила бошлиқлари олий маълумотга, 25,2 фоизи ўрта-махсус касб маълумотига эга бўлган ҳолда, кмбағал оилаларнинг оила бошлиғининг маълумоти 66 фоизида касб маълумотидан, жумладан 17,3 фоизида тўлиқ ўрта маълумотдан ҳам паст бўлган. Ҳукумат таъминланган муаммони, 2009 йилдан бошлаб мажбурий умумий ва бепул ўрта-махсус касб таълимини жорий қилиш, шунингдек, олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар сонини ошириш ҳисобига ҳал қилади. Таълим жараёнида оила бошлиғининг касб-ҳунар кўникмаларини олиши, юқорироқ маълумотга эгабўлиши, ёшларнинг меҳнат бозорига,

жумладан, хусусий тадбиркорлик фаолиятига кириш воситасини энгилаштиради.

Учинчидан, оила бошлиғи ва оиланинг меҳнатга лаётқатли аъзоларининг бандлик даражаси ҳам бунда муҳим рол ўйнайди. Таъминланган оилаларда оила бошлиғининг бандлик даражаси бошқа меҳнатга лаётқатли аъзолари каби сезиларли даражада юқори бўлади. Айрим туманларнинг қишлоқ жойларида тура-жойга нисбатан таъминланганлик кўпроқ учрайди, бироқ кичик шаҳарлар ёки шаҳар туридаги кўрғонларда кам таъминланганлик муаммосининг долзарблиги ва даражаси кенгрок. Ишлаб чиқариш объектлари ёпилган ёки тўлаш кечиктирилаётган кичик шаҳарлар аҳолиси, шунингдек, шахсий истеъмол ва муқобил даромад манбаси сифатида ер майдонларига эга бўлмаган аҳоли жуда заиф саналади. Бундай аҳоли пунктларида яшовчи аҳолининг ўртача даромади ва мос равишда истеъмол талаби пастлиги хизматлар соҳасининг ривожланишига хизмат қилмайди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишсизлиги билан боғлиқ камбағаллик хавфи юқори бўлган яна бир соҳа аграр сектор ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бандликнинг айлантириш жараёни билан изоҳланади. Хусусий фермер хўжаликларига айлантириш жараёни билан изоҳланади. Хусусий фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига нисбатан ўртача 25 фоизга кам ишчилар банд бўлиб, қолганлар вақтинчалик ёки мавсумий ишчилар сифатида жалб этилади. Маълумотларга кўра, фақат 2011 йилда ушбу демографик тенденциялар натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони йилига таъминан 250 минг киши ўсаётган бир пайтда, ширкат хўжаликларидан 460 мингга яқин ходимлар бўшатишган. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши билан биргаликда қайта мавсумий ишларда бандликнинг ўсишига олиб келди, бу эса қишлоқ дойларда аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотчилар шуни ҳам кўрсатдики, кам таъминланганлик хавфи, уларнинг асосий транспорт тугунлари ёки коммуникациялар мавжуд

бўлмаган узоқ қишлоқларда яшашларига ҳам боғлиқ. Қишлоқ жойларида ишдан бўшатилаётган ишчи кучининг бандлик муаммоси, шунингдек, шаҳарларда ишсизлик муаммоси қисман, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга, ҳамда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг чет элга меҳнат миграцияси ҳисобига ҳал этилмоқда.

Ҳукумат ишдан бўшатилаётган қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммосини, ишдан бўшатишган ишчи кучининг қишлоқ жойлардан шаҳарга кўчиб ўтишидан кўра, кўпроқ қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришни ривожлантириш воситасида ҳал этишни лозим кўрмоқда. Меҳнат миграцияси муаммоси, миграцияни қонунийлаштириш ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматлараро битимлар тузишни талаб қилади (меҳнат мигрантларининг 80 фоизи Россияга тўғри келади).

Тўртинчидан, кам ҳақ тўланадиган бандликнинг мавжудлиги меҳнат бозорининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, даромадларнинг кўпайишига тўсқинлик қилмоқда. Иш билан таъминланмаган уй хўжаликларининг оила бошлиғи кам таъминланганлик хавфига кўпроқ мойил эканлигига қарамай, 60 % дан ортиқ кам таъминланганлар оила бошлиғи, иш билан таъминланган уй хўжаликларида яшаган. Ишсизлик даражаси жуда паст (2006 йилда ишчи кучининг 4 фоизи ва фақат 0,2 фоиз-расман ишсиз сифатида рўйхатга олинган). Бироқ, расмий секторда ҳам самарасиз ва кам ҳақ тўланадиган ишлар билан машғул. Мазкур ўринлари, оилалар эҳтиёжларини қондириш ва уларни кам таъминланганликдан ҳимоя қилиш учун етарли даромад келтирмайди.

Яъни, кам таъминланганлик ишсизликдан ташқари бандлик самарасини пастлиги, меҳнатга кам ҳақ тўлаш, меҳнат маҳсулдорлигининг пастлиги ва мавсумий бандлик билан ҳам узвий боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса, ер мавйдонлари ёки суғориш билан боғлиқ мавжуд муаммолар бўлган ҳудудларда, ўзининг кичик ер майжонларида меҳнат қилаётганлар, каби мавсумий ва вақтинча ишлайдиган

ходимлар кўпроқ ҳимояланмаган бўлади. Шунингдек, вақтинчалик ёки юқори малака талаб қилмайдиган ишга эга бўлган шаҳар аҳолиси заифроқ саналади.

Бироқ кам ҳақ тўланадиган ва самарали бўлмаган бандлик муаммоси, фақат қишлоқ хўжалик сектори билангина чекланиб қолмайди. Маъмурият маълумотларига кўра, расмий сектори банд бўлганларнинг деярли 32 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди. Расмий секторнинг яна 32 фоиз ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси паст бўлган секторлар ҳисобланган бюджет ташкилотларида машғулот (соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар ва б.).

Хусусан, расмий секторда ишчи кучининг учдан икки қисми иш ҳақи даражаси умумий даражанинг 50-60 фоизини ташкил этадиган кам ҳақ тўланувчи секторларда банд.

Бироқ, расмий секторда ишчи кучининг фақат ярмигина машғул. Ишчи кучини ўрганиш тадқиқоти маълумотларининг кўрсатишича, норасмий секторда 45 фоиз ишчи кучи машғул ва бу сектор доирасида банд бўлганларнинг сезиларли қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Бу кичик ер майдонларидаги бандлик (тахминан 30 фоиз деҳқон хўжаликлари эгалари ҳисобланади) ёки иш ҳақи кам ёки мунтазам бўлмаган, яъни барқарор ва муносиб даромадни кафолатламайдиган мавсумий ишлардаги бандлик ҳисобланади (27 фоиз).

Тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, бандлик ҳар доим ҳам уй хўжаликларини кам таъминланганлик хавфидан ҳимоя қилмайди, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик майдонлари, шунингдек, давлат бюджети ташкилотларида ёлланма ишчи кучи сифатида бандлик ҳам кам таъминланганлик билан боғлиқ бўлади.

Аҳоли даромадларининг энг кам иш ҳақига боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси президенти фармони билан белгиланадиган, давлат томонидан кафолатланиб бутун мамлакат ҳудудида амал қиладиган энг кам иш ҳақи

даромадлари давлат томонидан тартибга солишнинг энг самарали воситаларидан бири.

Энг кам иш ҳақини белгилашда минимал истеъмол савати қийматидан келиб чиқади. Миллий иқтисодиётимизда истеъмол мезони, яъни мутлоқ стандарт мезондан фойдаланилади. Бунда озиқ-овқат товарлари билан бир каторда хизматлар истеъмолини ҳисобга олиш лозим.

3.2. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш

Иқтисодиётда бир-бирига бўлган муносабатлар борки, уларни ҳал қилмасдан мамлакатнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мумкин эмас. Шулар қаторида:

- аҳоли даромадларининг пасайиши;
- ишсизликнинг пайдо бўлиши;
- инфляция ва ҳаказо.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда корхоналарнинг аксарият қисми давлат тасаруфидан чиқарилган. Лекин асосий даромад келтирувчи манбалар давлат қўлида. Мураккаб ва кўп харжатлар талаб қиладиган тадбирларни амалга ошириш учун давлат секторининг аҳамияти кучая боради. Солиқ тизимини тўғри йўлга қўйиш, солиқлар асосан даромади юқори бўлган корхоналардан ундирилиб, кам ривожланаётган соҳаларни оёққа турғозиш зарурати пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётида ўтишнинг Ўзбекистон моделига мувофиқ ички бозорда товарлар нархи ва хизматлар тарихи бошқа ҳамдўстлик мамлакатлардаги сингари бирданига эркинлаштирилмади, босқичма-босқичамалга оширилади.

Биринчи босқич 1991 йилнинг ярмидан 1994 йил июл ойигача, яъни миллий валюта киритилгунга қадар, юмшоқ пул-кредит ва бюджет сиёсати заминида даромдани шаклланиш соҳасида либерал сиёсат амалга оширилган

даврни ўз ичига олади. Даромадлар сиёсати нуқтаи назаридан биринчи-босқич қуйидаги асосий хусусиятлар билан белгиланади:

- аҳоли даромадлари устидан заиф назорат;
- аҳоли ялпи даромадларида истеъмол субсидияларининг салмоқли вазни;
- фуқролар томорқа майдонларининг кенгайиши ҳисобига аҳоли натурал даромадлари янги манбаларининг шаклланиши;
- норентабел ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганларни “авайлаб” олиб чиқиш ҳисобига расмий ишсизлик даражасини секин ўсиш ҳамда “Банкротлик тўғрисида” қабул қилинган қонуннинг самарали таъсир ўтказмаслиги.

Иккинчи босқичда – 1994-1996 йиллар мобайнида, қатъийроқ пул-кредит ва бюджет сиёсати қўлланила бошланганида, даромадлар сиёсати ҳам ўзгаришларга дуч келди.

Даромадлар сиёстининг мазкур босқичини изчил ўтказиш натижасида 1996 йилга келиб қуйидагиларга эришилди:

- Аҳоли пул ва ялпи даромадларининг ўсиши бошланди;
- Даромад шаклланиши манбалари таркибида ишбилармонлик фаолияти, мулкчилик, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш ва бошқа даромадлар улуши кўтарилди.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни қайта шакиллантириш, яширин ишсизликнинг ўсиши аҳоли қўлидаги реал даромадларга таъсир этди ва улар 1991-1995 йиллар мобайнида амалда икки бараварга пасайди. Айниқса реал даромадларнинг пасайиши бюджет ҳисобидан яшаётган алоҳида намоён бўлди. Чунки бюджет соҳасида собит даромадларига солиқ солиш осонроқ бўлиб, янгидан пайдо бўлаётган хусусий секторда одамлар иш ҳақиға солиқ солиш қийинроқ кўчади. Шунинг учун солиқнинг асосий оғирлиги аҳолининг собит даромадли қатламларига тушади.

Айни пайтда хилма-хил ишбилармонлик фаолияти турларидан олинадиган даромадлар ўсди ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган фойда кўпайди. Аҳоли даромадларининг ортиши иш билан бандлик ошишига олиб келди. Масалан, ҳозирги кунга келиб иш билан бандлигининг минтақавий дастурлари асосида қишлоқ жойларда яшовчиларнинг 200 минг нафардан ортиғи ишга жойлашдилар, буларнинг 90 %дан ортиқроғи иқтисодиётнинг нодавлат секторида меҳнат қиляпти. Уларнинг 40 %дан зиёдроғи хусусий меҳнат фаолиятининг турли шаклларида, 20 %и атрофидагилар кичик бизнес тарзидаги хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга киришдилар.

Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган танлаб олув текширишларига кўра, оилаларнинг умумий даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш бирмунча юқори – 22,0 бўлиб, бу аҳолининг шаклланиб келаётган бозор шароитларига мослашаётганидан далолатдир.

Аҳоли даромадларининг ортиши истеъмол бозори таъминланишининг яхшиланиши билан бирга кечди. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар товар ишлаб чиқаришининг ортиши бозорда талаб ва таклифларнинг бараварлашувига сезиларли таъсир қилди.

Чакана товар айлануви ҳажми қиёсий баҳоларда 12,7 % ортиб, 497,9 млрд сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига товар айлануви 21 минг сўмдан ортди, бу эса 1996 йил даражасидан 2 баравар юқоридир.

Пуллик хизмат ҳажми 21,2 %га етиб, 70,3 млрд сўмни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига пуллик хизматлардан фойдаланиш 2 бараваридан ҳам кўпроқ ортди.

Аҳолининг тадбиркорлик ва хусусий меҳнат фаолияти соҳасида ишлашдан олаётган даромадлари ортаётганлиги томойилига ижобий баҳо берган ҳолда, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли пасайиб бораётганлиги томойилини ҳам қайд қилиш керак. Бу эса аҳолини солиққа тортилишдан бекитишча иккинчи ва учинчи даромад манбаларини қидириб

топишга ундайди. Бундан ташқари, иш ҳақининг унумсиз даражаси ишлаб чиқарувчилар меҳнатини, ижодий меҳнатни рағбатлантирмайди ва унинг сифати тобора пастлашига олиб келади. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ўртача иш ҳақи даражасининг пастлиги айниқса ташвишланарлидир, зеро бу ҳол таълим муассасаларида ўқитиш-ўргатишнинг ва давлат шифохоналарида даволаш сифатининг пастлиги сабаб бўлади.

Оилаларнинг умумий даромади шаклланишида шахсий томорқа хўжаликлари даромади ҳиссасининг ортиши давом этмоқда. Томорқа илгаридан мавжуд бўлган бозор хўжалигидир. Авваллари ҳам у эркин ишловчи хўжалик учун муҳим даромад манбаи ҳисобланган, озиқ-овқат таъминотига ўз ҳиссасини қўшган, деҳқон бозорини тўлдирган, хатто четга маҳсулот чиқаришда қатнашган. Томорқа майда товар хўжалиги сифатида бозор иқтисодиёти талабларига мос тушади. Аслида ислохотлар аҳолига томорқа учун ер ажратишдан бошланганди. Жами 500 минг гектар ер берилди, натижада бугунги кунга келиб аҳоли ихтиёридаги ер майдони 650 минг гектарни ташкил этди. Томорқа хўжалигини давлат ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади, бу соҳа солиқ юкидан фориғ этилди, унинг соҳиблари нимаики зарур бўлса, эркин бозоридан сотиб олиш имконига эга бўлдилар. Тўла-тўқис эркинлик унинг ривожини таъминлади ва табиийки, даромадга барака кирди. Агар 1991 йили аҳолининг ўз хўжалигидан олган маҳсулотини сотишдан тушган пул умумий даромаднинг 9,7 фоизини ташкил этса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 22-25 фоизга етди. Демак, томорқанинг даромаддаги ҳиссаси 2,5 марта ошди. Бозорни тўлдириб туриш томорқа соҳибларига даромад келтирди, албатта. Эндиликда томорқадан келган пул даромади ишчи ва хизматчилар оиласи даромадининг 4,5 фоизини ташкил этса, бу кўрсаткич тадбиркорлик қилувчилар (фермерлар)да 27,3 фоиз, жамоа хўжалиги аъзоларига 29,9 фоиз, нафақадорларда 11,9 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, аҳолининг ҳамма қатламлари учун томорқа яхшигина даромад манбаига айланди.

Томорқа халқимизнинг меҳнатсерварлигини ёрқин ифода этувчи оилавий хўжалиқдир. Шу сабабли ҳар йили илғор томорқа хўжаликлари кўрик танловини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Томорқа даромад манбаи сифатида яқин орада ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки у моҳиятан бозор хўжалигидир.

Нафақа таъминотини такомиллаштиришда, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бозор механизмларини кучайтириш ва нафақа таъминотида босқичма-босқич тақсимот тамойилларидан суғурта ва жамғариш тамойиллари йўналишида амалга оширилади.

Жамғарилган маблағларни индивидуал ҳисоб рақамлардан тўлаш, ходим нафақа ёшига етган ва унга ҳар ой учун тенг улушдаги асосий нафақа белгилангандан сўнг амалга оширила бошлайди. Бунда нафақа ёшига етгунга қадар нафақанинг жамғарилган қисми 5 йилдан кам давомида ўтказиб борилган ходимларга жамғарилган барча суммани алоҳида график бўйича 2 йилгача бўлган муддат давомида олиш ҳуқуқи тақдим этилади.

Бозор муносабатларининг асосий тамойилларидан бири - республика аҳолисини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш саналади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитидаги ривожланиш босқичида ҳам инсон манфаатларини устуворлигини таъминлаш ҳаётий заруриятдир. Янгиланиш ва тараққиётдаги Ўзбекистон моделининг бош устувор йўналиши замирида ҳам инсон манфаатлари ётади ва кучли ижтимоий сиёсат юритиш марказий ўринни эгаллайди.

Бугун республикамызда аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақи ва аҳоли даромадларини босқичма – босқич ошириб боришини таъминлаш учун зарур шарт–шароитлар яратилди. Ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ўсиши, унинг харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва мамлакатдаги барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Миллатнинг энг катта бойлиги-инсондир. Ривожланишдан пировард мақсад эса инсоннинг танлаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Ривожланиш жараёни одамларнинг танлаш имкониятини кенгайтира бориб, улардаги мавжуд салоҳиятини шу даражада кучайтириши мумкинки, натижада фуқаролар тўлақонли ҳаёт кечириб, ижодий имкониятларини ишга сола бошлайди. Одамлар эса бундай ривожланишдан манфаатдор шахслардир. Айни пайтда улар ана шу манфаат туфайли юзага келадиган тараққиёт ва ўзгаришлар омилидирлар. Бу жараён барча одамларнинг фаровонлиги йўлида адолатли йўсинда кечмоғи ва унда ҳар бир кишининг фаол иштирок этишига асосланмоғи лозим.

Инсоннинг салоҳияти ва ушбу салоҳиятни кенгайтиришга ёрдам берадиган танлаш имкониятининг кўлами беҳад кенг ва у ҳаммада ҳар хил. Бироқ бу борадаги давлат сиёсати тегишли устуворликларни белгилаб олишни талаб қилади. Инсон фаровонлигига эришиш борасидаги тараққиётни баҳолашда қўл келадиган аҳамияти беҳад юксак салоҳиятини аниқлашнинг икки хил мезони бор. **Биринчидан**, ушбу салоҳиятнинг аҳамияти умум томонидан эътироф этилган бўлиши керак. **Иккинчидан**, у мазкур салоҳиятсиз ҳаётдаги бошқа аксарият танлаш имкониятлари ўз мазмун-моҳиятини йўқотадиган даражада асосли бўлмоғи керак.

1991 йилдан-ўзбек давлатчилиги янги тарихининг дастлабки йилидан бошлаб инсон ривожланиши Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширишга киришилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ана шу эзгу мақсад туфайли ўтган асрнинг 80 йиллари охири ва 90 – йилларнинг бошида собиқ СССР республикаларини порокандаликка солган бухрон оқибатлари Ўзбекистонда ўтган 17 йил мобайнида босқичма-босқич бартараф этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ)ни амалга ошириш индикаторлари ва механизмларини ишлаб чиқиш асносида 2004 йили Осиё тараққиёт банки, БМТ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда миллий МРМ билан жуда ҳамоҳанг бўлган устувор вазифалар ўз ифодасини топган 2005-2010 йилларда Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси (АФОС)ни белгилаб олди.

Мазкур Стратегия концепцияси ва йўналишини ишлаб чиқишдаги энг эътиборли жиҳат инсон ривожланиши сиёсатини мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга оид дастурлар билан биргаликда олиб боришни англаб етишдан иборат бўлди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мувофиқлаштирилган мазкур дастури иқтисодий юксалиш орқали эришилаётган натижаларнинг барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасида адолатли тақсимланишини, аҳоли эҳтиёжманд гуруҳларининг ресурслардан бошқалар билан тенг баҳраманд бўлишини, шунингдек, иқтисодий дискриминациянинг барча-худудий, гендер, даромадлар бўйича кўринишларидан ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон ҳукуматининг Стратегияси инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ва уни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнида барча манфаатдор шахслар ҳамда институтларнинг кенг иштирок этишини назарда тутди.

Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида турмуш даражасининг юксалиши, нафақат аҳоли даромадлари ва истеъмол ҳажмининг ошиши, балки турмуш даражасининг муҳим кўринишлари-таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларидаги иш сифати, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, экология ва ахборот муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлиги қатъий ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни Республика ҳудудида доимий истиқомат қилувчи фуқароларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларини, шунингдек бу ҳуқуқий манфаатларни рўёбга чиқариш бўйича давлат кафолатини белгилаб беради.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов аҳоли бандлигини таъминлаш, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш, бу орқали аҳоли реал даромадларини ошириш ва унинг турмуш даражасини кўтариш масалаларига алоҳида аҳамият бермоқда.

Бундай ҳолат аҳоли бандлиги муаммолари ҳали–бери ижтимоий-сиёсатимизнинг зудлик билан ҳал қилиш талаб этиладиган ўткир ва долзарб масаласи бўлиб қолаётганлигини кўрсатади ва бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало, маҳаллий ҳокимятлар томонидан амалга оширилаётган барча ҳаракатларимизни янада кучайтиришни талаб қилади”⁵⁸ деб бежизга таъкидламади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йилгача аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурга мувофиқ, 1996-2000 йилларда мамлакатимизнинг фақат қишлоқ жойларида 908 минг янги иш ўринлари яратилди⁵⁹.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги сиёсат қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда. Яъни:

1. Барқарор миллий иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка устувор йўналиш сифатида кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизғин қўллаб қувватланмоқда.

3. Аҳолининг меҳнат фаоллигини, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси ўстирилмоқда.

4. Аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари мунтазам раившда олиб борилмоқда.

Бозор шароитида ҳам аҳоли пул даромадлари барча категориялардаги аҳолини меҳнати эвазига олган иш ҳақини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари, нафақа, тушум, стипендия, қуйилмалар бўйича фоиз кўринишида мулкдан олинган даромадлар, қимматбаҳо

⁵⁸И.А.Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиз.// Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал ,№31(4184).

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги статистик маълумотлари

коғозлар, дивидентлар, рента, кўчмас мулкни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини сотишдан тушумлар, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқалардан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини «давлат нафақаси тўғрисида»ги ишлаб чиқилган қонунига мувофиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари ҳисобида турувчи пенсионерларни тайинланган ойлик нафақаларини пенсионерлар сонига нисбати билан аниқланади. Тайинланган нафақа ҳажми амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади.

Иқтисодий муносабатларни модернизациялаш шароитида аҳолини пул даромадларини оширишни ва ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбаалар қуйидагиларга қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Яъни:

1. Фермер хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш. Бу эса аҳолининг умумий даромадларини, биринчи навбатда фермер хўжаликларидан олинadиган даромадларини кўпайишига замин яратади;

2. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган моддий ёрдамлар орқали аҳолининг кам таъминланган қатлами даромадлари даражасини сақлаб қолиш;

3. Меҳнат нафақаси ва ойлик маошларини мунтазам равишда индексация қилиш ҳисобига аҳолининг пул даромади даражасини қўллаб қувватлаш;

4. Оммавий ишсизликнинг олдини олиш мақсадида норентабел ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолини ишдан бўшатишда эҳтиёт бўлиш сиёсатини қўллаш;

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларини индексациялаш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу аҳоли даромадларини ошишига ёрдам беради.

5. Ўзбекистонда ижтимоий муҳофаза тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши самарали пенсия тизими, инсонга кексайганда яшаш манбаини йўқотмаслик, ўз хизматлари учун муносиб тақдирланиш имконини

берадиган механизмнинг яратилиши бўлди. Пенсия таъминоти “Фуқороларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида республикамизда фуқороларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча сифатида жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган “Фуқороларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонуни ўз кучини ва ижросини сақлаган ҳолда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ишлаб чиқилмоқда. Бундан асосий мақсад бундан буён пенсияга чиққан ҳар бир ишловчи фуқоро иккита манбадан пенсия тўловлари олиш ҳуқуқига эга бўлади яъни биринчиси, давлат пенсия таъминоти белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бўлса, иккинчиси янгидан жорий этилган фуқороларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақаларида йиғилган маблағлари доирасида амалга оширилади. Барча юридик шахслар – иш берувчилар учун меҳнат қилаётган ходимлари фойдасига омонатчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этиши мажбурийдир.

Бизнинг фикримизча, келгусида аҳолининг реал даромадлари, турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида қуйидаги йўналишларда иш олиб борилиши зарур:

1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлашда кичик тадбиркорлик соҳаси асосий сектор бўлиб хизмат қилиши керак.

2. Кам таъминланган ва болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни руёбга чиқаришда фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва маъсулиятини ошириш зарур.

3. Жойларда аҳоли турмуш фаровонлиги, яшаш шароитларини янада кенгроқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровномаларни мунтазам ўтказиш лозим. Ижтимоий сўровномалардан тўпланган маълумотлардан нафақат уй

хўжаликларининг турмуш тарзини таҳлил қилишда, балки солиқ, молия, божхона идоралари ҳам фойдаланишлари лозим.

4. Аҳоли турли қатламларини микрокредитлашга бўлган талабини кенгрок ўрганиш лозим. Микрокредитлаш тизимини кўпроқ аёлларга бериш.

5. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган ночор оилаларни, ногиронлар, етим-есирлар, беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилада жамият талабларига мос комил инсонларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар марказий ўринни эгалламоғи зарур.

3.3. Аҳоли пул даромадларини оширишни прогнозлаш ва давлат томонидан истиқболли йўналишларни аниқлашни такомиллаштириш

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор, тез ривожланиши ва давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати аҳоли фаровонлигини янги босқичга олиб чиқди. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда⁶⁰. Бундай ўзгаришларни келажакда ҳам кутиш мумкин. Шу боис фаровонликни ошириш дастурларини илмий прогнозлаш асосида ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Иқтисодий фаровонлик истиқболлари аниқланганда, унга таъсир этувчи иқтисодий ва этнодемографик омилларни ҳисобга олиш зарурки, булар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий тараққиёт даражаси ва унинг ўсиш имкониятилари;
2. ЯИМни истеъмол ва жамғаришга тақсимланиши;
3. Аҳолининг ўсиш суръатлари;
4. Ишлаб чиқарувчилар ва соф истеъмолчилар нисбати;
5. Истеъмолдаги миллий менталитет хусусиятлари.

⁶⁰ И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: “Ўзбекистон”. 2011, 21-бет.

Фаровонлик иқтисодиётнинг ҳосиласи, чунки, истеъмол неъматларини яратишдан мақсад уларни истеъмол этиш бўлади. Бироқ истеъмол ишлаб чиқарилган неъматларни шунчаки сарфлаб юборилиши эмас, чунки қаерда истеъмол миқдори кўп ва таркибан замонавий бўлса, шу ерда инсон камолотига эришилади. Инсон омили эса иқтисодий ўсишда етакчи роль ўйнайди. Фаровонлик ортиши учун даромад аҳоли сонига нисбатан жадалроқ ўсиши зарур. Аҳолининг кўпайиши тўла бандлик шароитида ишлаб чиқарувчиларни ҳам кўпайишини билдиради. Аммо иқтисоди заиф мамлакатларда бандликни ошириш имконияти кам бўлади, шу боис аҳолининг тез ўсиши фаровонликни ўсишига таъсир этувчи кучли омилга айланади. Жаҳон банки маълумотларига биноан ривожланган мамлакатларда дунё аҳолисининг 15,7% яшагани ҳолда, бу ерда дунё ЯИМнинг 54,3%и яратилади. Иқтисоди ривожланмаган мамлакатларда аҳолининг 36,5%и яшагани ҳолда, ЯИМнинг 9,6%и яратилади, холос. Ҳозирда дунё мамлакатлари аҳволига қараб аҳоли истеъмоли кучли фарқланади (3.3.1.-жадвал).

3.3.1.-жадвал.

Жаҳоннинг турли гуруҳ мамлакатларида иқтисодий-демографик вазият ва аҳоли истеъмоли*

Мамла- катлар	2012 йил					
	ЯИМнинг аҳоли жон бошига йиллик ўсиши, %	ЯИМ ҳажми, млрд. доллар (валюта харид кучи паритети асосида)	Аҳоли- нинг ўсиши, %	Аҳоли таркибида болалар (0-14 ёшгача) хиссаси,%	Жон бошига ЯИМ, доллар	Жон бошига истеъмол, доллар
Даромади паст	4,1	1368,8	2,1	38,0	1407	914
Даромади ўртача	5,0	28619,5	1,1	27,0	6154	3569
Даромади юқори	2,6	39686,3	0,7	18,0	37141	23027
Дунё	0,8	69309,0	1,2	27,0	10357	6421

* Манба: World development Report. 2010, p. 379.

Жадвал маълумотларига кўра турли мамлакатлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол жиддий фарқланади. Бунинг сабаби жон бошига яратилган

ЯИМ турлича бўлишининг ўзигина эмас, балки аҳоли сони ва таркиби ҳамдир. Аҳоли тез ўсганда, унинг таркибидаги болалар кўп бўлади. Болалар эса соф истеъмолчи бўлиб, даромадларни яратишда иштирок этмайди. Шундай аҳвол кам ривожланган мамлакатларга хос. Бу демографик вазият аҳоли истеъмолига кучли таъсир этишини билдиради.

Аҳоли фаровонлиги этник омиллар таъсирига ҳам берилади. Бу истеъмолдаги миллий анъаналарда ифода этилади. Бунинг натижасида жорий истеъмол билан жамғариш нисбати ўзгаради. Жорий истеъмол маблағларининг бир қисми келажак истеъмоли учун жамғарилади. Натижада истеъмолнинг бир қисмини кечиктирилиши юз беради. Масалан, Ўзбекистонда миллий маросимларни ўтказиш учун оилалар пул тўплайди, бу жорий истеъмолдан чегирма ҳосил этиб, буни келажак истеъмолига сафарбар этади. Натижада истеъмол ресурслари қайта тақсимланади.

Этник менталитет Ўзбекистонда истеъмол харажатларини ўз бойлигини кўрсатиш йўлида ўринсиз сарфланишига олиб келади.

Фаровонликни оширишнинг асосий шarti иқтисодиётни муттасил ўстиришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда халқ фаровонлиги истиқболларини баҳолаш мумкин. Аммо бунда аҳолининг ўсиш тенденцияларини, унинг таркибида боқимандалар салмоғини ўзгаришини ва ниҳоят, ички ҳамда ташқи омиллар таъсирида ЯИМ тақсимланишини ўзгариши, шунга боғлиқ ҳолда, истеъмол ва жамғариш фондлари нисбатини ўзгариб туришини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Бунинг учун айтилган омиллар билан аҳоли жон бошига ҳисобланган истеъмол фонди реал қийматининг ўсиши ўртасидаги алоқаларни аниқлашга тўғри келади. Бунинг учун 2008-2012 йиллар кўрсаткичларини асос қилиш мумкин. Маълумки, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор, баланслашган ҳолда, ва юксак суръатлар билан ривожланиш босқичига чиқди. Бу аҳоли турмуш даражасини тез ўсишини кафолатлади. Сўнгги беш йилда аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи омиллар таъсирини келтирилган жадвал маълумотларида ифодалаш мумкин (3.3.2.-жадвал).

**Ўзбекистонда аҳоли иқтисодий фаровонлигини белгиловчи
омилларнинг ўзгариши (% ҳисобида)***

№	Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012
1	Аҳоли жои бошига ЯИМнинг ўсиши	9,0	8,0	8,5	8,3	8,2
2	Аҳоли бандлигини ўсиши	2,8	2,5	2,6	2,7	2,6
3	Меҳнат унумдорлигининг ўсиши	1,34	1,29	1,21		
4	Аҳолининг ўсиши	1,7	1,7	1,7		
5	Бир ишловчига тўғри келадиган ишламайдиганлар сони	2,35	2,51	2,49		

*Манба: Йиллик Статистик тўплам 2008. -Т.: 2009. 31, 41-бетлар.; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12, 24.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень 2009. Т.: 2010. стр. 5.

Жадвал маълумотларига кўра, ЯИМнинг ўсишига меҳнат унумдорлиги, бандликнинг ўсиши, аҳоли ўсишининг секинлашуви, ишловчиларга тўғри келадиган истеъмолчилар, боқимандалар сонининг қисқариши ижобий таъсир этган. Айтилган омиллар ўзгаришининг ЯИМга таъсирини аниқроқ тушуниш учун улар алоқадорлигининг корреляциясини амалга ошириш лозим (3.1.3.-жадвал).

Корреляция натижаларига кўра, ЯИМнинг ўсишида биринчи ўринда меҳнат унумдорлиги, иккинчи ўринда аҳоли сони, учинчи ўринда аҳоли бандлиги, ниҳоят тўртинчи ўринда ЯИМ ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони туради. Буларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири, ЯИМ ҳажмининг ўзгариши орқали юз беради. Бу потенциал жиҳатдан қандай миқдордаги ЯИМ халқ истеъмолига юборилишини билдиради. Бироқ бунга ЯИМнинг тақсимланиши ҳам таъсир этишини эътибордан қочириш мумкин эмас. Бизнинг аниқлашимизга кўра,

кейинги ўн йилда реал ЯИМнинг 1,0%га ўсиши аҳоли жон бошига реал даромадларнинг 0,76%га ўсишини таъминлади. Иқтисодий-ижтимоий йўналишнинг кучайиши билан ЯИМнинг 1,0% ўсиши реал даромадларнинг бундан кўпроқ ўсишига олиб келиши лозимлигини прогнозда ҳисобга олиш зарур.

3.1.3.-жадвал.

Ўзбекистонда ЯИМга таъсир этувчи омилларнинг корреляцияси*

№	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	Корреляция
1.	ЯИМ ҳажми, млрд. сўм	38969,8	49375,6	61831,2	0,95921
2.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	3358,5	4358,7	5317,4	0,99943
3.	Аҳолининг бандлиги, минг киши	11603,1	11328,0	11628,0	0,91757
4.	Бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар, киши	2,35	2,51	2,49	-0,71329
5.	Аҳоли сони, минг киши	27302,7	28501,3	28985,8	0,98795

*Манба: Йиллик Статистик тўплам 2008. -Т.: 2009. 61-бет; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. -Т.: 2011. стр. 12, 24.

Энг аввал иқтисодий ўсишнинг фаровонликка таъсирини аниқлаганда инвестициялар ҳажми ва таркибининг таҳлил этиш лозим. Ўзбекистонда модернизация ва техникавий ривожланиш дастурига биноан жами қиймати 42,5 млрд. долларга⁶¹ тенг бўлган лойиҳалар молиялаштирилади. Бу келажакдаги иқтисодий ўсишни кафолатлайди.

Инвестициялар фақат техникавий янгиланиш эмас, балки иқтисодиётнинг реал секторида таркибий ўзгаришларни давом эттиришни ҳам кўзда тутди, бу эса ишлаб чиқаришни диверсификациясига олиб келади, яъни юкори технологик янги талабгир маҳсулотларни кўплаб чиқарилишини билдиради. Шубҳасиз, келажакка қаратилган инвестициялар меҳнат

⁶¹ Основные индикаторы развития инвестиционных процессов в Республике Узбекистан (2000-2009) Т.: 2010, стр. 11.

унумдорлигини оширишга шароит яратади, чунки “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш...”⁶² устивор вазифа бўлиб қолаверади. Ялпи инвестицияларни 2010 йилда 1,0% ўсиши меҳнат унумдорлигини фақат 0,04% оширди, чунки уларнинг бир қисми арзон, лекин меҳнат унумдорлиги паст иш ўринларини яратиб, бандликни оширишга қаратилди. Келажакда шундай жойда ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин бўлади. Натижада меҳнат унумдорлигининг ЯИМ ўсишига қўшган хиссаси ортади. Бунга кутилаётган ички ва ташқи иқтисодий конъюнктура қулай шароит яратиши мумкин. Агар 2005 йил мамлакат ички бозоридаги талаб 6,6%га ошган бўлса, 2008 йилда 13%ни ташкил этди. Ташқи бозордаги Ўзбекистон экспортига талаб 2005 йилда 11,5%га ўсган бўлса, 2008 йилда 28,7%га ошди. Шу билан бирга, 2009 йилда инқироз авжига чиққани учун ташқи талаб ўсиши 2,4%га тушиб қолди. Бироқ чет эл мамлакатларини рецессиядан сўнгги ривожланиш босқичига чиққач, Ўзбекистон иқтисодий ўсишида экспортнинг роли ортади.

Фаровонлик истикболларини белгилашдан олдин иқтисодий ўсишни прогнозлаш зарур. Бу ўсиш яқин келажакда йилига 8-9% бўлиши мумкин. Аммо аҳолининг ўсиши секинлашади, натижада жон бошига ҳисобланган ЯИМ тез ўсган шароитда бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони қисқаради. Бунга, шубҳасиз бандликнинг ортиши ҳам хисса қўшади.

Иқтисодий ўсиш прогнозлари натижасига таянган ҳолда, фаровонликнинг истикболларини чамалаб кўриш мумкин. Бунда иқтисодий ўсишнинг ўзи модернизация шароитида истеъмолни оширишни назарда тутиши керак, чунки инновацион ишлаб чиқариш юксак малакали иш кучини талаб қилади. Бунга эса истеъмолни оширмай туриб эришиб бўлмайди. Шу сабабли келажакда ЯИМнинг тобора кўпроқ қисми истеъмол фондини ташкил этишини, бунда эса яқка истеъмол хиссасининг ортишини кутиш мумкин.

⁶² И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: “Ўзбекистон” 2011, 24-бет.

Фаровонликнинг ўсиш истиқболлари баҳоланганда энг аввал меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобидан бўлиши назарда тутилади. Бизнинг ҳисоблашимизга кўра, келажакда инвестициянинг 1,0% ўсиши унумдорликни 5%га ортишига олиб келиши мумкин.

Ҳозир замонавий юксак технологик ишлаб чиқаришни илгарилаб ўсишига иқтисодиётнинг барча жабҳаларини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганки, бу келажакда меҳнат унумдорлиги жадал ўсишини кафолатлайди.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик ўсмасин барибир бу фаровонликни оширувчи ягона омил бўлмайди, чунки яқин келажакдаги устувор вазифалар қаторига “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш...”⁶³ киради.

Давлат дастури иш ўринларини энг аввал кичик корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлик, касаначилик, фермер ва деҳқон хўжалиги каби соҳаларда яратишни кўзда тутди, чунки булар сермеҳнат бўлганидан иш ўринлари капитал сиғимининг кичиклиги, юксак малакани талаб қилмаслиги, кенгайиб бораётган ички, хусусан маҳаллий бозорга ишлаши билан тавсифланади. Булар бандликни оширишнинг энг қулай соҳалари бўлганидан, уларда янги иш ўринларининг 85%дан зиёд қисми яратилади. Бандликни оширилиши келажакдаги фаровонликнинг муҳим ички омили ҳисобланади ва уни прогнозларда ҳисобга олиш зарур.

Фаровонлик истиқболларига ички омиллардан ташқари ташқи омиллар ҳам таъсир этади.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари инқироздан чиқиши учун ўз иқтисодиётига катта инвестициялар юборишига тўғри келади. Бу капитал экспортини дастлаб камайтириши мумкин. Лекин Ўзбекистондаги қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги сабабли яқин 10 йил ичида хориж инвестициялари кўпайишини кутиш мумкин. Хориж инвестициялари ЯИМдаги жамғариш ҳиссасини камайтириб, истеъмол ҳиссасини оширади.

⁶³ И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: “Ўзбекистон” 2011, 42 бет.

Бас шундай экан, истеъмолнинг ЯИМдаги хиссасини 70-75% атрофида сақланишини кутиш мумкин.

Ҳозирги жамғариш нормаси 30%дан зиёд. Буни 25% атрофида сақлаб туриш барқарор иқтисодий ўсишни ва шунга кўра фаровонликнинг тез ошиб боришини таъминлайди. Бироқ бунинг учун жамғариш таркибидаги бевосита хориж инвестицияларининг салмоғини сақлаб қолиш талаб қилинади. Чунки, бусиз истеъмол фондини тез ўстириб бўлмайди. 2012 йил бу инвестициялар жами инвестицияларнинг 29,1%ни ташкил этган шароитда, жон бошига реал даромадларни 9%га ошириш имкони бўлди. Ҳозирги кунда бу инвестицияларнинг 1,0%га ортиши аҳоли реал даромадларини 0,37%га ортишини билдиради. Келажакда шундай нисбат сақланганда хориж инвестицияларининг ижтимоий аҳамиятини кучайтиришга эришилади.

Аҳоли фаровонлигининг ўсиш истикболларини буюк келажак нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мумкин. Буюк келажак бу Ўзбекистонни иқтисодиёти ривожланган ва халқ фаровонлиги юқори бўлган давлатга айланишини билдиради.

Жаҳон Банки классификациясига биноан Ўзбекистон 2011 йил даромади ўртачадан пастроқ мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Чунки жон бошига ЯИМ валюталар харид қобилиятига қараб аниқланганда 2425 долларга, маълумотларга кўра бу 2011 йил 2990,6 долларга тенг бўлди. Буюк келажак нуқтаи назаридан қараганда истикболда Ўзбекистонда ЯИМ аҳоли жон бошига 11000 долларга етиши керак, бунинг учун ЯИМни 9,3 марта кўпайтиришга тўғри келади. Шу сабабли бу мўлжалга босқичма-босқич борилади:

Биринчи босқичда Ўзбекистон даромади ўртача мамлакатлар қаторидан ўрин олиши мумкин.

Иккинчи босқичда Ўзбекистонда дунёнинг ўртача даромади даражасига етилиши мумкин.

Учинчи босқичда Ўзбекистон иқтисодий ривожланган мамлакатларга етиб олиши мумкин.

Ўзбекистон ҳозирчалик биринчи босқичдаги марраларни мўлжаллаши мумкин. Бунинг учун реал даромадларни жон бошига 4500 долларга етказиш зарур. Бу, ўз навбатида, ЯИМни жадал ўсишини, ундаги истеъмол фондининг хиссасини ҳеч бўлмаганда 75% атрофида бўлишини талаб қилади.

Аҳолининг жамғармаси ҳам барқарор ўсиб бориши, уни даромадлардаги хиссаси 20-22% атрофида бўлиши талаб қилинади. Шунда ЯИМнинг 65-67%и иқтисодий фаровонликка юборилади. Фаровонликни таъминловчи ижтимоий истеъмол фондлари ва ноишлаб чиқариш инвестициялари ҳажми мутлақ кўпайсада, ЯИМ салмоғи қисқариб боради, жамғариш нормаси ҳам пасайишга мойил бўлади.

Турмуш фаровонлиги истиқболи аниқланганда бевосита хориж инвестициялари таъсирини алоҳида ҳисобга олиш лозим, чунки ялпи жамғаришни таъминлашда бевосита хориж инвестициялари катта роль ўйнайди.

Бу келажакда ЯИМдан бўладиган ташқи чегирмаларни қискартириб фаровонлик фондини ошириш имконини беради.

Ҳозир инвестицияларнинг 1,0%га кўпайиши ЯИМнинг 0,6%га ортишига олиб келади. Шундан келиб чиқсак, иқтисодий ўсиш ҳар йили 8,0% бўлса, 2010-2020 йиллар 2,17 марта кўпаяди.

ЯИМ тез ўсиши муносабати билан жамғариш нормаси пасайган шароитда ҳам инвестициялар миқдори ўсади. Жамғариш нормаси 2011 йил ЯИМнинг 30,0%ни ташкил этган ҳолда, бу жорий нархларда ҳисоблаганда 18549,4 млрд. сўмни ташкил этди. 2015 йили жамғариш нормаси 28,0%га тушса ҳам жамғариш миқдори 24355,2 млрд. сўм бўлади, 2020 йили жамғариш 25,0% бўлганда, унинг миқдори 27355,3 млрд. сўм бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда жамғариш нормасининг юқори бўлиши (2000-2010 йиллар ўртача 29,7%) истеъмол фондининг ЯИМдаги улуши паст бўлишига олиб келади. Биз белгилаган истиқболда истеъмол хиссаси 2010-2015 йилларда 73,8%, 2015-2020 йилларда 82,2% бўлиши кўзда тутилди. Бирок бунда аҳоли хусусий истеъмоли жадал ўсиши ҳисобга олинди. Унинг

3.3.4.-жадвал.

Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини келажакда ўсиш кўрсаткичлари*

Кўрсаткичлар	Й и л л а р									
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2010-2020 йиллар да ўсиш
ЯИМ ҳажми, млрд. сўм	72454,2	76826,2	81923,2	86982,9	90185,0	94958,3	99698,9	105388,1	109421,2	1,77
Истеъмол фондининг миқдори, млрд. сўм	52508,5	58863,3	62307,1	67771,3	72740,0	78401,2	84916,8	88921,1	93618,2	2,16
Бир кишига ҳисобланган истеъмол ҳажми, минг сўм	2318,6	2702,3	3148,2	3643,4	4064,1	4584,8	4938,7	5379,3	5865,8	3,92
Аҳолининг реал даромадлари, млрд. сўм	4929,4	5373,0	5856,6	6480,5	6902,5	7517,8	8133,1	8527,8	9112,7	2,18
Бир кишига ҳисобланган реал даромадлар, минг сўм	155,2	159,9	165,6	169,9	176,8	181,3	186,8	191,4	195,2	1,35

*Муаллиф томонидан ишланган.

*

ЯИМдаги ҳиссаси дастлаб 61,9%га, сўнгра 64,1%га етказиш зарурлигидан келиб чиқилди.

Бизнинг ҳисоблашимизча, аҳолининг ўсиш суръатлари 2010-2015 йилларда 1,07%, 2015-2020 йилларда 1,06% бўлиши мумкин, шунга кўра, 2010-2020 йилларда 1,14%га кўпаяди.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фаровонликни яқин 10 йилда ўсишини прогноз қилиш мумкин. Бизнинг ҳисоб-китобларда иқтисодий ўсиш йилига 9% бўлганда, истеъмолнинг ЯИМдаги ҳиссаси дастлаб 70%, сўнгра 85,5%, аҳоли даромадларининг ҳиссаси эса аввал 65%, сўнгра 83% бўлиши кутилади (3.3.4. -жадвал).

Прогнозлашнинг 3.3.4.-жадвалда келтирилган натижалари шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига истеъмол ва реал даромадларнинг ўсиш суръатларини иқтисодий ўсиш суръатларига яқинлашуви учун ЯИМнинг ўзини жадал ўсиши кифоя қилмайди. Бунинг учун ЯИМдаги истеъмол ҳиссасини ҳам ошириб бориш керак, бироқ, бу чексиз бўлмайди, чунки иқтисодий ўсиш зарурати жамғаришни ҳам оширишни талаб қилади. Шуни назарда тутиб, прогнозда дастлаб истеъмол фонди ва реал даромадларни ЯИМдаги ҳиссасини стабиллаштириш, сўнгра ошириш кўзда тутилган. Ҳозир иқтисодиётга юборилган катта инвестициялар уни барқарор ва тез ўсишини таъминлайди. Бироқ, бундан кейин ҳам инвестициялар бир меъёрга ўсиб бориши талаб қилинади. Бунга жамғариш нормаси барқарор (28%) бўлганда эришилади.

Бунинг учун эса бевосита хориж инвестициялари мунтазам равишда келиб туриши лозим, чунки модернизация асосида инновацион ишлаб чиқаришга ўтилиши иқтисодий ўсишнинг капитал сиғимини оширади. Шу боис бевосита хориж инвестицияларини ҳеч б ўлмаганда ҳозирги даражада жалб этишга тўғри келади. Уларнинг кириб келиши барқарор юз берса, 2010-2015 йилларда улар миқдори таққосий нархларда 1502,8 млрд. сўм, 2015-2020 йилларда эса 2193,6 млрд. сўм, жами 3696,4 млрд. сўм бўлиши мумкин. Бу эса 2005-2009 йилги кўрсаткичга нисбатан 2,16 марта кўп демакдир.

Турмуш даражасининг ўсиш истикболлари аниқланганда, фаровонлик фондининг миқдори ва таркиби қандай ўзгариши ҳам назарда тутилиши лозим. Фаровонлик фондининг таркибий қисмлари ҳар хил ўзгаради. Якка истеъмол фондининг ўсишини бозор кучлари таъминлаганидан, унинг истеъмолдаги хиссаси ортиши керак. Жамоавий истеъмолга келсак, бунга икки нарса таъсир этади:

1. Ижтимоий хизматларга бўлган талабнинг қондирилиш даражаси;
2. Уларнинг ўрнини пуллик хизматлар қоплаши.

Булар таъсирида жамоавий истеъмолнинг фаровонлик фондидаги хиссаси қисқаради.

Кейинги вақтда ноишлаб чиқариш тавсифидаги инвестициялар ҳам тез ўсиши натижасида янги ижтимоий инфратузилма юқори даражага етди. Бу келажакда ноишлаб чиқариш инвестицияларини тежайди, натижада фаровонлик фонди таркиби ўзгаради. Бироқ бу фаровонлик фондининг мутлақ ва жон бошига ҳисобланган ҳажми ўсган шароитда боради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, фаровонлик фонди прогноз қилинди (3.3.5. - жадвал).


3.3.5.- жадвал.

Ўзбекистонда миллий фаровонлик фондининг истикболдаги динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2000 йилги таққосий нархларда		
		2010	2015	2020
1	Миллий фаровонлик фондининг ҳажми, млрд. сўм	4660,1	6712,5	10623,8
2	Бир кишига ҳисобланган миллий фаровонлик фонди, минг сўм	160,8	232,3	354,1
3	Иқтисодиётнинг ижтимоийлик коэффиценти	0,960	1,074	1,079

Фаровонликни прогнозлаш, уни бошқа мамлакатларга таққосланишини ҳам билдиради, чунки бу буюк келажак йўлида Ўзбекистон қандай даражага

эришишни билдиради. Прогнозлашда биз иқтисодий ўсиш йилига 9% бўлишидан келиб чиқдик ва буни АҚШ долларида ҳамда валюта харид қобилятининг паритетига биноан ҳисобладик. Бажарилган ҳисоб-китоблар натижаси 3.3.2. - диаграммада берилди.



3.3.2. – диаграмма. Ўзбекистонда бир кишига ҳисобланган ЯИМ миқдорининг ўсиши (минг сўм)

Аҳоли даромади ЯИМнинг 67%ини ташкил этишидан келиб чиқсак, 2020 йилда бу кўрсаткич жон бошига 5197,0 долларни ташкил этадики, бу даромади ўртача мамлакатларнинг 2010 йилдаги даражасига нисбатан 105,6% га ортишини билдиради. Демак, 10 йил деганда дунёдаги даражаси ўртача мамлакатларнинг ҳозирги даромадига етиб олинади. Бу буюк келажак сари қўйилган муҳим қадам бўлади, албатта.

Иш билан таъминлаш бирламчи бўлсада, муҳтожларга ижтимоий ёрдам бериш ҳам зарур, чунки улар орасида ишлаб даромад топиш қобилятини йўқотганлар ҳам мавжуд. Ўзбекистонда кам таъминланган кишиларга ёрдам турли усулларда амалга оширилади:

1. Муҳтожларга ижтимоий ҳимоя шаклида пул нафақаларини бериш;
2. Қаровсиз қолган ёши улуғ кишиларни қариялар уйида боқиш ва

парваришлаш;


3. Етим-есирларни меҳрибонлик уйларида боқиш ва тарбиялаб вояга етказиш;

4. Муҳтож оилаларга сигир олиб бериш шаклида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

5. Муҳтож оилалардаги ўқувчиларга кийим-кечак бериш, уларни ўқув анжомлари билан таъминлаш.

Ёрдам шакллари орасида муҳтож оилаларга пул шаклида нафакалар бериш миқдоран устуворликка эга. Бу ёрдамнинг миқёси давлатнинг иқтисодий имкониятлари ва муҳтожлар сонига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий ёрдамни кафолатлаш ва унинг миқдорини ЯИМга нисбатан 2-3% даражасида қатъий белгиланса, иқтисодий ўсишга қараб ижтимоий ҳимоя ҳам салмоқли бўлади. Прогнозларда шундан келиб чиқиш маъқул. Биз фаровонликни ортиб боришини иқтисодий ўсиш 9% бўлишини назарда тутиб баҳолаган эдик. Шунга қараб ЯИМ ҳажмининг 2%и ҳимояга юборилганда, унинг ҳажми қуйидагича ўсади (3.3.2.-диаграмма).



3.3.3. - диаграмма. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя харажатларининг прогноз кўрсаткичлари (млрд. сўм)*

*Манба: Муаллиф бажарган прогноз амалларига таяниб ҳисоблаб чиқилган.

Мухтожлар иш билан банд бўлиб, даромад топиши, ўзини-ўзи таъминлаши ҳамда давлатнинг ёрдами натижасида уларнинг сони қисқаради, бу билан бир оила ҳисобида берилган ёрдам анча кўпайишини кутиш мумкин. Ижтимоий ёрдамни аҳоли жон бошига ҳисоблаб бўлмайди, чунки бу ўта танланган тарзда берилганидан, уни ёрдам олувчи ҳар бир киши ёки оилага татбиқан ҳисоблаш тўғри бўлади. Яқин ўн йилда ижтимоий ёрдам канчалик ошмасин барибир унинг аҳоли даромадларини шакллантиришдаги роли қисқариб боради, чунки бозор қонунларига кўра, ишлаб топилган даромад устуворликка эга бўлади. Ижтимоий ёрдам пулини давлат беради, бунда у инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқади. Ижтимоий ёрдам шу сабабли бозор қоидаларига биноан шаклланадиган даромадни ҳосил этмайди.

Прогнозлар шундан келиб чиқиши лозимки, даромадларни шаклланиши ва тақсимланишини тўла-тўқис бозор қучларига бериб бўлмайди. Агар шундай бўлса, даромадлардаги тенгсизлик кучаяди, камбағаллар сафи кенгайиб камбағалликни моргиналлашуви юз бериши мумкин. Шунинг назарда тутиб, прогнолаш давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати давом этишини, давлат мухтожларни ўз ҳолига ташлаб қўймай, уларга ёрдам бериши доимий бўлишидан келиб чиқади, албатта.

Кам таъминланган кишиларга бериладиган давлат ёрдами камбағалликни қисқартиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Аммо бу ишда даромадларни давлат йўли билан тақсимлашдан кўра, кўпроқ иқтисодий ўсиш аҳамиятлироқдир. Иқтисодий ўсиш биринчидан, жорий даромадларни оширади. Иккинчидан, инвестиция учун қўшимча ресурслар яратиб, келажакдаги бандлик, бинобарин даромадларни ошириш имконини беради. Учинчидан, мухтожларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамни оширади.

Камбағаллик даражасига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, улар сонини нақадар қисқаришини прогнослаш мумкин. Бизни прогноз шундан келиб чиқадики, иқтисодий ўсиш меъёрига қараб камбағаллик миқёси қисқаради. Жаҳон Банки мутахассислари қайд этишича, Ўзбекистонда аҳоли реал даромадлари 1,0% ўсган шароитда камбағаллик 0,7%га қисқаради. Агар

шундан келиб чиқсак ва прогнозимиздаги йиллик 9,0% ўсишни ҳисобга олиб, аҳоли даромади ЯИМнинг 67,0%ини ташкил этишини назарда тутсак, қуйидаги прогноз кўрсаткичларига эга бўламиз (3.3.4.-жадвал).

3.3.6.-жадвал.

Ўзбекистонда кам таъминланган кишилар сонининг қисқариш динамикаси*

№	Кўрсаткичлар	2010-2015	2015-2020
1	Аҳоли жон бошига реал ЯИМ ўсиши (%)	35,8	48,2
2	Аҳоли жон бошига реал даромадлар ўсиши (%)	35,6	53,5
3	Реал даромадлар ўсиши натижасида кам таъминланганларнинг хиссаси қисқариши (%)	-24,5	-37,4
4	Давр охирида кам таъминланганлар сони (млн. нафар)	4,5	2,9

*Манба: Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Прогноз кўрсатишича, кам таъминланганлар сони деярли 2 марта камайиши мумкин. Прогноз даврининг охирига келиб кам таъминланганлар аҳолининг 9,8%ини ташкил этиши мумкин. Бу эса халқаро стандартлар даражасидан (12,0%) кам дегани. Аммо бунга эришиш учун юқорида айтганимиздек, иқтисодиёт жадал ўсиши, ЯИМнинг тобора кўпроқ қисми аҳоли даромадига айланиши, энг муҳими бандлик ва унумдорлик юқори бўлиши талаб қилинади. Демографик омилларга келсак, улар кам таъминланганлар сонини қисқаришига олиб келади.

Фаровонлик даражасидаги фарқлар объектив, яъни уларни реал шароит ва бозор қонунлари юзага келтиради. Бироқ жамият, давлат тимсолида уни маълум меъёрда сақлаб туриши, кучайишига йўл бермаслиги талаб қилинади, чунки ўз ҳолига қўйилган тенгсизлик жамиятдаги социал мувозанатни бузиши ва конфликтларни кучайишига олиб келиши мумкин. Тинчлиги бузилган жамиятда иқтисодиёт барқарор ривожлана олмайди, шунга кўра фаровонлик ҳам барқарор ўса олмайди.

Бозор қонунларининг ўзи аҳолининг табақалашувини чуқурлаштиради, шу ваздан уни тартиблаб туриш давлат функцияси бўлиб қолаверади.

Келажакда иқтисодий фаровонликнинг нақадар ўсишини аниқлаш прогноз усулларига биноан бўлиши мумкин. Прогноз фаровонликни ўзгаришига таъсир этувчи иқтисодий ва этнодемографик, ички ва ташқи омилларни назарда тутиш лозим. Бунда иқтисодий ўсишни кучли бўлиши, уни тобора кўпроқ фаровонликка қаратилиши, демографик вазиятни қулай бўлишидан келиб чиқилади. 10 йиллик (2010-2020) прогнозга биноан жон бошига истеъмол фондини 2 марта, аҳоли реал даромадларини 2,3 марта ўсиши кутилади. Бунинг учун ЯИМ ҳажми 2,2 марта ўсиши, ундаги истеъмол фондининг хиссаси 72%га етказилиши лозим. Прогнозда миллий фаровонлик фондини жадал ўсиши асосида иқтисодиётнинг ижтимоийлик коэффицентини юқорилашуви кутилади. Истикболда фаровонликдаги тенгсизликни иқтисодий ўсиш, бандлик ва унумдорликни ортиши ва даромадларни давлат йўли билан қайта тақсимлаш орқали тартиблаш ва қисқартириш кўзда тутилади. Яқин 10 йилда кам таъминланган аҳоли сони деярли 2 марта қисқариб, уларнинг аҳоли тартибидаги хиссаси камбағаллик оптимал чегарасининг халқаро стандартлари даражасига етишини билдиради.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Иқтисодий муносабатларни модернизациялаш шароитида аҳолини пул даромадларини оширишни ва ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбаалар қуйидагиларга қаратилиши лозим:

1. Фермер хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш. Бу эса аҳолининг умумий даромадларини, биринчи навбатда фермер хўжаликларидан олинadиган даромадларини кўпайишига замин яратади;

2. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган моддий ёрдамлар орқали аҳолининг кам таъминланган қатлами даромадлари даражасини сақлаб қолиш;

3. Меҳнат нафақаси ва ойлик маошларини мунтазам равишда индексация қилиш ҳисобига аҳолининг пул даромади даражасини қўллаб қувватлаш;

4. Оммавий ишсизликнинг олдини олиш мақсадида норентабел ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолини ишдан бўшатишда эҳтиёт бўлиш сиёсатини қўллаш;

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор, тез ривожланиши ва давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати аҳоли фаровонлигини янги босқичга олиб чиқди. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Бундай ўзгаришларни келажакда ҳам кутиш мумкин. Шу боис фаровонликни ошириш дастурларини илмий прогнозлаш асосида ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Иқтисодий фаровонлик истиқболлари аниқланганда, унга таъсир этувчи иқтисодий ва этнодемографик омилларни ҳисобга олиш зарурки, булар куйидагилардан иборат:

6. Иқтисодий тараққиёт даражаси ва унинг ўсиш имкониятилари;
7. ЯИМни истеъмол ва жамғаришга тақсимланиши;
8. Аҳолининг ўсиш суръатлари;
9. Ишлаб чиқарувчилар ва соф истеъмолчилар нисбати;
10. Истеъмолдаги миллий менталитет хусусиятлари.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Аҳолининг иқтисодий фаровонлигини унинг даромадлари белгилайди, чунки пул даромадларига бозорда товар ва хизматларни айирбошлаш орқали улар истеъмол этилиб, эҳтиёжлар қондирилади. Даромадларни ўзи ишлаб чиқариш ҳосиласи сифатида яратилган товар ва хизматлар бозор қийматининг бир қисми бўлсада, уларнинг шаклланиши тақсимлаш жараёнида юз беради. Бу жараёнда ЯИМ қиймати иқтисодиёт субъектлари ўртасида тақсимланиб, уларнинг даромадига айланади. Аҳоли даромадлари ҳам тақсимланиши натижаси бўлиб, ЯИМ қийматининг асосий қисмини ташкил этади.

2. Аҳоли даромадлари шаклланиши объектив ҳодиса, уни ўз билганича ўзгартириб бўлмайди, чунки буни аҳолига нисбатан Экстреналий бўлган ташқи иқтисодий муҳит белгилайди. Иқтисодий муҳит объектив бўлганидан тақсимланишни бозор тизимига хос қонун бошқаради. Бу қонун тақсимлашнинг бозор усулини юзага келтиради. Мазкур қонунга биноан ҳар бир иқтисодиёт субъектининг даромади унга тегишли иқтисодий ресурслар берган натижага боғлиқ бўлади ва бу ресурслар миқдори, сифати ва уларни самарали ишлатилишига боғлиқ бўлади.

3. Ҳозирги бозор иқтисодиёти миллий доирада ўз даражаси жиҳатидан жиддий фарқлансада глобаллашиб боради, унинг бағрида шаклланаётган нобозор муносабатлари ҳамма ерга ёйилади. Булар инсонпарварлик муносабати бўлиб, ижтимоий партнёрлик, меҳр-оқибат ва раҳм-шавқат муносабатларидир, улар маънавийлик доирасидан чиқиб, иқтисодий муносабатларга ҳам кириб, бозор иқтисодиётига аралаш иқтисодиёт белгиларини бағишлайди.

4. Тақсимлаш жараёни кўп босқичли бўлиб, дастлабки тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва яна қайта тақсимлашни ўз ичига олади, ишлаб чиқаришдаги тақсимлашдан бошланиб, истеъмол арафасидаги тақсимлаш билан якунланади. Бу жараёнда асосий ва ҳосила даромадлар юзага келади. Ҳосила даромадларининг ўзи биринчи, иккинчи даражали ҳосила даромадларидан

иборатдир.

5. Бозор иқтисодий фаровонлигини номинал даромадлар эмас, балки реал даромадлар таъминлайди. Реал даромадлар пул даромадига нималар харид этиш ва истеъмол қилиш мумкинлигини билдирди. Аммо, шунга таяниб реал даромадларни моддийлаштириб натурал даромад сифатида қараш мумкин эмас. Реал даромад ҳам қиймат пул категорияси, уларни нарх-навони ва шунга кўра пул бирлиги харид қурбини ҳисобга олувчи даромад деб баҳолаш мумкин. Реал даромад ҳам пул шаклида аниқланади. Реал даромадга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни фарқлантириш лозим

6. Ўзбекистон учун бозор конъюнктураси қулай ва хориж инвестицияларини кириб келиши жадаллашган. Хориж инвестицияларининг реал даромадга таъсири икки ёқламадир. Биринчидан, бу иқтисодий ўсишга хизмат қилса, иккинчидан, миллий жамғаришни тежаб, шу ҳисобидан даромадларни оширади. Бевосита хориж инвестициялари кредитларга нисбатан ижтимоий афзалликка эга. Улар миллий иқтисодиёт учун қайтими йўқ қўйилмалардир, чунки улар келажакда фоизи билан қайтариладиган чегирма ҳосил этмайди. Бу ерда чегирма фондининг репотриацияси бўлиши мумкин, лекин фойдани реинвестициялашга қулай шароит бўлганда у минималлашуви, ҳатто, йўқ бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, бевосита инвестицияларни миллий фаровонлик ресурсини оширувчи ғоят муҳим омил деб баҳолаш мумкин. Айтилган омилларни иерархик жиҳатдан қуйидаги ўринларга қўйиш мумкин: бевосита хориж инвестициялари, меҳнат унумдорлиги, бандлик ва ниҳоят, аҳолининг демографик таркиби.

Аҳоли иқтисодий фаровонлигини фақат истеъмол эмас, балки унинг жамғариш салоҳияти ҳам белгилайди. Кўпчилик учун жамғаришдан мақсад ҳозирги қиммат турадиган товарлар истеъмолини қондириш ёки келажакдаги истеъмолдир. Жамғариш жорий истеъмол қондирилгандан сўнг юз беради. У бўлиши учун даромадлар жорий истеъмол сарфларидан ортиб қолиши зарур. Жамғаришнинг ижтимоий функцияси баҳоланганда фақат унинг нормаси меъёри эмас, балки у ҳисобидан истеъмолнинг қандай қисми қондирилиши

мумкинлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Даромадлар жадал ўсган шароитда унинг истеъмолдан ортиб қолган қисми ўсиб жамғариш нормаси ошиб боради. Бундай ҳодиса Ўзбекистонда ҳам кузатилади, аммо бу истеъмол сингари катъий дифференциациялашади. Фаровонликни оширишда давлат фаол қатнашар экан, унинг ижтимоий дастурларининг аҳамияти ошиб боради, уларни ишлаб чиқаришда фаровонлик истикболларини аниқлаш муҳимдир. Фаровонлик прогнозлари қуйидаги илмий фикр-мулоҳазаларга таянади:

а). фаровонлик иқтисодий салоҳият ҳосиласи бўлганидан унинг ошиб боришини иқтисодий ўсиш таъминлайди. Шу боис фаровонликни прогнозлаш ишлаб чиқаришни прогнозлашга таянади;

б). фаровонликни ЯИМнинг миқдоридан ташқари уни жамғариши ва истеъмол фондлари ўртасида тақсимланиши ҳам белгилайди. Шу боис уни ошириш учун истеъмол фондининг ЯИМдаги хиссасини оширишга тўғри келади;

в). иқтисодий ўсишни бозорнинг кенгайишига қараб инвестициялар, аҳоли бандлиги ва меҳнат унумдорлигининг ортиб бориши таъминлайди. Асосий муаммо миллий иқтисодиётдаги меҳнат унумини оширишдир, чунки фаровонликни оширишда меҳнат унумдорлигининг хиссаси катта бўлиши зарур;

г). фаровонлик даражасига этнодемографик омил ҳам таъсир этади, бу аҳолининг ўсиши, унинг таркибида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар нисбатини ўзгаришидир;

д). фаровонликка таъсир этувчи энг муҳим ташқи омил бу хориж инвестициялари ва энг аввал бевосита хориж инвестицияларидир. Улар иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмай, миллий жамғаришга ўринбосарлик қилиб, уни тежайди ва шу ҳисобидан истеъмолни кенгайтиради.

Прогнозлаш жараёнида иқтисодиёт ижтимоийлик даражасини аниқлаш учун миллий фаровонлик фондининг истикболдаги динамикасини аниқлаш

ва шунга таяниб ижтимоийлик коэффицентини ҳисоблаш зарур бўлади. Прогнозлашда аҳоли турмуш тоифаларининг фаровонлик даражасидаги тенгсизликни тартиблаш усуллари, даромадлар дифференциациясини чегаралаш, тенгсизликни меъёрига келтириш воситалари ҳам аниқланади. Бу ишдаги энг муҳим жиҳат иқтисодий ўсиш билан кам таъминланган аҳоли сонини қисқариши ўртасидаги меъёрий боғлиқликни аниқлашдир.

Юқорида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда куйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Фаровонликни оширишда бандликнинг ролини ошириш учун янги иш жойларни яратилишини рағбатлантириш, бунинг учун қўшимча иш ўринларини яратган мавжуд иш жойларида икки сменали ишлашни ташкил этган корхона ва хўжаликларга солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар беришни кўпайтириш.

2. Фаровонликка эришишда меҳнат унумдорлиги ролини ошириш учун кичик бизнес, касаначилик, оилавий бизнес ва деҳқон хўжалигида унумдорликни оширувчи индивидуал мини технологияларни кенг қўламда киритиш, бунинг учун консалтинг типигади мини технологиялар марказларини ташкил этиш.

3. Хориж инвестицияларининг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш ва чет эл инвесторлари учун янада қулай шароитни давлат йўли билан яратиш.

4. Индивидуал истеъмолнинг аҳоли турмушидаги ролини кучайтириш учун иш ҳақи ва пенсияларни ошириш, аҳолидан ундириладиган даромад солиғини қисқартириш.

Айтилган таклифлар иқтисодиётимизнинг ижтимоий йўналишини кучайтириши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида. 2007 йил 24 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2007-2010 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2007 йил 20 июль, ПҚ-672-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилда Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори, 2008 йил 2 октябрь.
6. “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли Қарори {Кўчирма}.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
8. “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 январдаги ПҚ-1045-сонли Қарори.
9. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2009 йил 15 май, ПҚ - 1112-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури тўғрисида. 2011 йил 7 февраль, ГТК-1474 – сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. “2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”. 2009 йил 13 февраль.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. “2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида”. 2010 йил 29 январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Ўзбекистон овози 2006 йил, 11 февраль.
16. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш - асосий мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал.

17. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007, -200 б.
18. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. -Т.: Ўзбекистон, 2008, -368 б.
19. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ўтказилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир.” // Халқ сўзи, 2008 йил, 9 февраль.
20. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. -Т.: Ўзбекистон, 2009, -280 б.
21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009, -56 б.
22. Каримов И.А. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. - Т.: 2010, 101-бет.
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Ж.: 18. - 264 б.
24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. - 80 б.

III. Илмий монография ва рисоалар

25. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. -Т.: Академия, 2006.

26. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий билим асослари. -Т.: Академия, 2010, - 304 б.
27. Абулқосимов Ҳ.П. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. -Т.: Академия, 2011, -188 б.
28. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. -Т.: Академия, 2010,-216 б.
29. Абулқосимов Ҳ.П., Хайдарова Ш.Қ., Холматов Х.Х., Холмуродов О.Н., Рахматуллаев Б.Р. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши. -Т.: Академия, 2011,-171 б.
30. Маршалл А. Основы экономической науки. -М.: Эксмо, 2008, -С. 830.
31. Раззоқов А.,Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. - Т.: “Молия”, 2002, -492 б.
32. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашнинг илмий ва назарий асослари. Илмий-оммабоп рисола. -Т.: ТДИУ, 2008, -57 б.
33. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия-иқтисодиёт, 2007.
34. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия, 2002, -159 б.

IV. Илмий журнал ва тўпламлардаги мақолалар

35. Азимов Ш. Ҳудудий тараққиёт стратегияси: тамойил ва механизмлар. // Жамият ва бошқарув журнали. 2010, 4-сон, 77-79-бетлар.
36. Ахмедов Ф. Хонадон хўжалиги даромадларини дифференциациялаш. // Жамият ва бошқарув журнали. 2009, 3-сон, 97-99-бетлар.
37. Бозаров Ғ. Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни. // Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – ёш олимлар илмий тадқиқотларини юксалтириш асоси. Республика назарий, илмий-амалий

- конференцияси (маърузалар тўплами). Akademiya, 2011, 260-262-бетлар.
38. Ваҳобов Д. Ижтимоий суғуртанинг таснифланиши // Жамият ва бошқарув журнали. 2010, 3-сон, 64-65-бетлар.
39. Душаев Б. Иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти // Жамият ва бошқарув журнали. 2010, 4-сон, 80-81-бетлар.
40. Имомов У. Истеъмолчилар манфаатлари ҳамда танлов эркинлиги // Жамият ва бошқарув журнали. 2011, 1-сон, 69-71-бетлар.
41. Имомов В. Иш ўринларини яратилишида устувор йўналишлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2009, 6-сон, 40-41 бетлар.
42. Мирзаев М. Тадбиркорлик даромади // Жамият ва бошқарув журнали. 2010, 2-сон, 87-88-бетлар.
43. Муратов Х. Халқ фаровонлигини ошириш омили // Жамият ва бошқарув журнали. 2011, 1-сон, 67-68-бетлар.

V. Докторлик, номзодлик диссертациялари ва авторефератлар

44. Аҳмеджонов Х. Ўзбекистон хонадонлари молия ресурсларини шаклланиши ва ишлатилиши. 08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2005.
45. Ваҳобов А.А.. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. 08.00.01 - “Иқтисодий назария” ихтисослиги. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2001.
46. Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва ошириш йўллари. 08.00.01 - “Иқтисодий назария” ихтисослиги Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т. 2008.
47. Юлдашева У.С. Иқтисодиётнинг трансформацияланиши жараёнида аҳоли даромадларининг шаклланиши ва тақсимланиши. 08.00.01 -

“Иқтисодий назария” ихтисослиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2001.

VI.Статистик маълумотлар тўплами

48. Макроэкономические и качественные индикаторы экономического роста в Узбекистане (2000-2009). -Т.: 2010.
49. Макроэкономические индикаторы экономического роста в Узбекистане (2000-2006). -Т.: 2007.
50. Альманах Узбекистан. 2011. -Т.: 2011.
51. Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам.
52. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги статистик ахборотномаси. -Т.: 2011.
53. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Т.: “Ўзбекистон” 2011.
54. Ўзбекистон иқтисодиёти 2012 йил учун. Т.:JICA нашриёти 2013 йил

VII.Интернет сайтлари

55. <http://www.economics.wideworld.nl/>
56. <http://www.economics.pskov.ru/>
57. <http://www.capitaleconomics.com/>
58. <http://www.global-economics.ru/>
59. <http://www.economic-enc.net/>
60. <http://www.historyofeconomics.org/>
61. <http://www.econom.nsc.ru/>
62. <http://www.economist.com/>

- 63. <http://www.economicsinfo.ru/>
- 64. <http://www.economy-plus.ru/>
- 65. <http://www.economy-bases.ru/>
- 66. <http://www.economics.about.com/>
- 67. <http://www.dictionariofeconomics.com/>
- 68. <http://www.healthconomics.com/>